ЕТТИ ЙИЛЛИКНИНГ ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47-йил чиқиши № 2 (12.958).
5 ЯНВАРЬ 1965 йил СЕШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян ва СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин янги йил муносабати билан телеграммалар юбориб, қардош партияларнинг раҳбарларини, социалистик мамлакатлардаги давлат, ҳукумат бошлиқларини, ва халқларни КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва бутун совет халқи номидан янги йил билан самимий қутладилар ва уларга социалистик қурилишда, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳамда халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлиги учун курашда янги муваффақиятлар тиладилар.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян ва СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бошқа мамлакатларнинг давлатлари ва ҳукуматлари бошлиқларига телеграммалар юбориб, уларни янги йил муносабати билан самимий қутладилар ҳамда мазкур мамлакатларнинг халқларига эзгу истаклар билдирдилар.

КОММУНИСТИК ТУРМУШ, НАМУНАЛИ МАИШИЙ ХИЗМАТ УЧУН!

Турмуш маданияти, меҳнаткашларга маиший хизмат кўрсатиш ҳақидаги масала ғоят муҳим, ҳаётий масаладир. Коммунизм ҳаётимизга тобора кенг сингиб бораётган, янги ижтимоий муносабатлар шакланаётган ҳозирги даврда кишиларнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳам ошиб бораётир. Совет кишилари яхши, ихчам, бежирим кийинишни, телефон, телеграф, транспорт, алоқа воситаларининг аниқ, пухта ишлашини, савдо маданияти юқори бўлишини, хуллас маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишларининг кундан-кун яхшиланишини истамоқдалар. Бу, ҳақли талабдир. Чунки, ишчи ва қурувчи, колхозчи ва совхоз ишчиси, илмий ходим ҳалол меҳнат қилиб, моддий бойлик яратаётган экан, уларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини ўрганиш, уни қондириш ҳақида ғамхўрлик қилиш — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз, биринчи даражали вазифамиздир. Бунинг учун тадбир билан оқилона иш тутмоғимиз, қўлимиздаги жуда катта имкониятлардан ишнинг нўзини билиб фойдаланмоғимиз лозим. Ахир давлатимиз бу муҳим эҳтиёжлар учун озмунча маблағ сарфлаяптими! Ҳамма гап ана шу маблағларни жойжойига, тежаб-тергаб сарфлашда, халққа юксак маданий, маиший хизмат кўрсатишда! Партиямиз тарихий XXII съездида қабул қилинган коммунизм Программасида ҳам бу масалага алоҳида эътибор берилган.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ўтган йили июнь ойида бўлиб ўтган XIII пленуми партиямиз Программаси белгилаб берган йўл-йўриқлар асосида меҳнаткашлар турмуши, маишатига доир масалани муҳокама қилиб, кенг қарор қабул қилган эди. Шундан бери бирмунча вақт ўтди. Республикамиз партия ташкилотлари пленум кўрсатмаларига амал қилиб, турмуш маданияти, маишат масалалари билан яқиндан шуғулландилар, барча давлат ва жамоат ташкилотларининг эътиборини ана шу муҳим, ҳаётий масалаларга қаратдилар. Шаҳарларимизда, районларда, қишлоқларда, ишчи посёлкаларида меҳнаткашларга маиший хизмат кўрсатиш бирмунча яхшиланди. Кўпчилик партия, совет, жамоат ташкилотлари бу соҳада ташаббус кўрсатиб, ижодкорлик билан иш тутдилар. Конкрет тадбирлар ишлаб чиқиб, бевосита турмушда амалга оширдилар.

Сурхондарё область Денов районидаги генерал Собир Раҳимов номли колхозни олиб кўрайлик. Бу колхознинг правлениеси, партия ташкилоти колхозчиларнинг турмуш маданиятини оширишга алоҳида эътибор беряпти. Колхозда 1489 хўжалик бор. Шундан 954 оила янги, типовой уйларда яшайди. Колхозчилар, механизаторларга коммунистик турмуш асосларини ўргатиш учун турмуш маданияти университети ташкил этилган. Колхоз қишлоғини 1970 йилгача посёлка типида қайта қуриш тадбирлари ишлаб чиқилмоқда. Бу ерда 6 та кутубхона бор. Ҳаммом, радиоузел яхши ишлаб турибди. Янги ҳаммом қурилмоқда. Тўйларни янгича ўтказиш юзасидан махсус тўй комиссияси тузилган. Комиссия составига колхоз қишлоғининг энг обрўли, эътиборли кишилари жалб этилган. Колхозда бадиий ҳаваскорлик тўгараги намунали иш олиб боряпти. Қишлоқ марказида эса телевизор, радиоприёмник тузатадиган устахона, сартарошхона, новвойхона, ошхона ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш корхоналари бор. Колхоз раиси Қурбон Ерматов, партия комитетининг секретари Қобил Мамараимов ўртоқлар хўжалинка ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилмоқдалар. Натижада колхоз бу йил 37,5 центнердан ҳосил кўтарди. Колхознинг ҳам, колхозчиларнинг ҳам даромади яхши бўлди, турмуш ҳам, маданий ҳаёт ҳам яхшиланиб боряпти. Шунингдек, Наманган, Маргилон шаҳар партия, совет ташкилотларининг аҳолига маданий, маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишлари айниқса ибратлидир.

Лекин айрим жойларда бу соҳада қилинаётган ишлар ҳали халқимизнинг тобора ўсиб бораётган юксак талаблари даражасидан орқада қолмоқда. Баъзибир партия, совет ташкилотлари Уз КП Марказий Комитети XIII пленуми қарорларини бажариш йўлида ташаббус кўрсатиб ишламаяптилар. Баъзан масалаларни юзаки, бирёқлама «хўжа кўрсин»га муҳокама қилиш, маиший хизмат кўрсатишнинг туб масалаларини яхши ўрганмаслик, резервлар ва имкониятларни ҳисобга олмаслик, чиқарилган қарорларнинг ижросини текширмаслик оқибатида ишимизда катта камчиликлар, нуқсонлар юз бермоқда.

Пойтахтимиз Тошкент шаҳрини олиб кўрайлик. Республикамиз қирқ йиллиги юбилейи муносабати билан шаҳар партия ташкилотлари ободончилик, маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан катта ташкилий ва сиёсий тадбирларни амалга оширдилар. Лекин шаҳар кенгаймоқда, халқ талаби кундан-кунга ошмоқда. Тошкент шаҳрида аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамон яхши эмас. Бу масала Тошкент шаҳар Советининг сессиясида махсус муҳокама қилинган бўлса ҳам, амалда ҳали ўзгариш сезилмаяпти. Тошкент телефон станцияси ишида катта камчиликлар бор. Абонентларга хизмат кўрсатишда тоқат қилиб бўлмайдиган даражада бепарволик, масъулиятсизлик кўрсатилмоқда. Обуначиларга газета, журналларни вақтида етказиб бериш масаласида ҳам шаҳар алоқа ходимлари ғоят сусткашлик кўрсатмоқдалар. Газеталарга обуна бўлганлар газетани кўпинча эрта билан, барвақт ололмайдилар.

Тошкент шаҳар Доғистон кўчасида яшовчи Жўра Давронов редакциямизга ёзган хатида бундай дейди:

«Ҳурматли редакция! Бақтингизни олиб нотинч қилганлигим учун узр сўрайман. Мен кўпгина газеталарга обуна бўлганман. Илгари газеталар эрталаб соат 9-11 ларда келар эди. 3-4 ой бўлдики, кундалик газеталар кеч соат 5-7 ларда, кўпинча эртасига келадиган бўлиб қолди. Бунга сабаб нима, тушунолмайман. Ваҳолонки, бизга хизмат қилаётган 77-алоқа бўлими уйимиз олдига жойлашган. Кундалик газеталарни бир кун кейин эмас, ўз вақтида обуначиларга етказилишини таъминлашда ёрдам кўрсатишларингизни илтимос қилардим».

Тошкент шаҳар ижроия комитети, қолаверса Тошкент шаҳар партия комитети пойтахтимиз меҳнаткашларининг тобора ўсиб бораётган талабларини чуқур ўрганишлари, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети XIII пленуми қарорларида белгилаб берилган вазифаларни бажаришда шаҳардаги барча ташкилотларга йўл-йўриқлар кўрсатишлари, уларга бошчилик қилмоқлари даркор.

Ҳамма соҳада бўлганидек, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам коммунистлар, партия ташкилотлари бошчилик қилмоқлари даркор. Чунки маишат, турмуш маданияти ҳақидаги масала аҳолининг кундалик ҳаётий масаласидир. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиуми XIII пленум қарорларининг қандай бажарилаётганлиги юзасидан областлар ўртасида январь ойидан бошлаб ўзаро текшириш ўтказиш ҳақида махсус қарор қабул қилди. Бу — партия, совет, комсомол, касаба союз ва бошқа ташкилотларнинг эътиборини ана шу муҳим, ҳаётий масалага янада чуқурроқ ёндошишни тақозо этади, камчиликларни бартараф этишда уларга ёрдам беради. Шунингдек аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги намунали ишларни, илғор тажрибаларни кенг оммалаштиришни таъминлайди.

Турмуш маданиятини юксалтириш, ўтмиш қарқитларини тугатиш — меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим шартидир. Областлар ўртасидаги ўзаро текшириш Уз КП Марказий Комитети XIII пленуми қарорларини жанговарлик билан ҳаётга жорий этишга, қишлоқни коммунистик асосларда қайта қуришга, партия пропагандасини, аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий, маданий-маърифат ишларини яхшилашга, коммунистик меҳнат ҳаракатини кучайтиришга яқиндан ёрдам берсин! Шунинг учун ҳам текшириш ишларини ташкилий пухта уюштириш, бу ишга жамоатчиликни кенг жалб этиш лозим. Текшириш натижаларини район, шаҳар, область партия комитетларининг кенгайтирилган бюроларида муҳокама қилиш, меҳнаткашларга маданий-маиший хизматни янада яхшилаш юзасидан кенг тадбирлар белгиламоқ зарур.

Меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш ҳақида ғамхўрлик қилиш — бизнинг жонажон, партиявий ишимиздир. Партиямиз Программасида ёзилганидек, КОММУНИЗМ ҒАЛАБАСИ КИШИЛАРГА БОҒЛИҚ, КОММУНИЗМ ҲАМ КИШИЛАР УЧУН ҚУРИЛАДИ. Партия ташкилотлари, хўжалик ва жамоат ташкилотлари, маҳаллий Советларнинг вазифаси коммунизм Программасига амал қилиб, коммунизм бунёдкорларига ҳамма жойда ғамхўрлик билан хизмат кўрсатишдан, уларнинг манфаатлари ва талабларига диққат-эътибор билан муносабатда бўлишдан, совет кишиларининг турмуши ҳамда маишатини кун сайин яхшилаш йўлида кураш олиб боришдан иборатдир.

ЗАФАРЛИ ОДИМЛАР

УСТЮРТ БАҲОДИРЛАРИ

Янгийўл кондитер фабрикасида Турсуной Муллахонова ҳурмат билан тилга олинади. У вакуум аппаратларида ишлаб, кунлик топшириқларни ошириб бажариб келмоқда. Суратда: Т. Муллахонова. И. Глауберзон фотоси.

Устюртни энди кимсасиз чўл дейишга тил бормай қолди. Геологлар уни шимолдан жанубга, шарқдан ғарбга қараб неча марталаб кесиб ўтишмоқда. Бағрига қўл солиб кўришмоқда. Чўлда нефть, газ, сув ешкалари қад кўтармоқда. Ҳатто одамлар бу ерда янги йил кутадиган бўлиб қолишди.

Яқиндагина газопровод қурувчилар жанубдан шимолга газ йўли солиб ўтишганди. Бухоро—Урал газопроводи қувурларини ётқизишганди. Ана шу газопровод трассасида эса Комсомольск шаҳри қад кўтарди. Унда 7-компрессор станция ишчилари ва шаҳар қурувчилар тўкис квартираларда истиқомат қилишмоқда. Квартираларга водопровод, газ киритилган. Шаҳарда клуб, болалар боғча-яслиси, ҳаммом ва магазинлар ишлаб турибди.

Устюртдаги Комсомольск шаҳрининг кишилари 1965 йилда ўз шаҳарларининг янада обод, кўркам, замонавий бўлиши учун янги йил қадаҳи кўтардилар. Шу дамда эса кўпгина кишилар 7-компрессор станциясда меҳнат вахтасида туришди. Уралдаги янги йил меҳнат вахтасида турган завод ва фабрикаларни, янги йилни кутиб олаётган бахтиёр кишилар хонадонини газ билан таъминлаб турдилар. Бухоро газини станция Уралга узлуксиз узатиб турди. Старший машинист Худойберган Қозоқбоев ва унинг ҳамкасблари янги йил қадаҳини шу ерда — станцияда пульт тепасида кўтаришди.

ДАСТЛАБКИ СМЕНАДА

Тошкент кабелчилари бу йилни янги ғалабалар билан нишонлашга аҳд қилдилар. Улар сафида Валентин Глебов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси азаматлари ҳам бор. Бригада аъзоларига янги йилнинг дастлабки сменасида ишлаш насиб бўлди. Нормани ортиқ билан бажаришди. Смена давомида планга қўшимча анчагина алюминий катанкалари ишлаб чиқарилди.

Валентин Глебов бошлиқ бригада аъзолари коммунистчасига яшаш ва ишлаш мусобақасида ҳамиша пешқадамлик қилиб келмоқдалар. Улар ўтган йилни ҳам муваффақиятли якунладилар. Топшириққа нисбатан ишлаб чиқарган алюминий катанкалари қарийб 23 тоннани ташкил қилди.

1965 ЙИЛ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Куни кеча редакциямизга ажойиб хушхабар келди: Тошкент область, Калинин районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози давлатга гўшт сотиш бўйича 1965 йилга мўлжалланган планни уч кун ичида ошириб бажарди. Меҳнаткашларга 1130 центнер аъло сифатли гўшт етказиб берилди.

— Бу муваффақиятларга,—дейди колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Матқобулов, — молларни бўрдоқига боқиш туфайли эришдик. Биз аҳолига янада кўпроқ гўшт етказиб бериш учун тинмай курашамиз.

ТЎРТ КУНДА!

Намангандаги Тельман номли колхоз раиси ўртоқ Юнусали Йўлдошев редакциямизга телефон қилиб, колхоз аъзоларининг янги меҳнат зафарлари тўғрисида бундай деди:

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Советининг совет халқига янги йил табрикларидан илҳомланган колхозимиз аъзолари етти йилликнинг якунловчи йили — 1965 йилда тағин янги муваффақиятларни қўлга киритиш учун астойдил курашмоқдалар. Янги йилнинг дастлабки тўрт кунида давлатга гўшт топшириш 1965 йил планини бажардик. Колхоз 77 тонна гўшт сотди.

Тельман номли колхоз аъзолари бундай муваффақиятга молларни ёз бўйи сўқимга, қўйларни бўрдоқи қилиш, паррандачиликни ривожлантириш туфайли эришдилар.



К. Фабер бошлиқ монтажчилар бригадаси Навоий химия комбинатининг биринчи навбатини янги йил олдидан фойдаланишга топширишда ажойиб меҳнат намунаси кўрсатиб ишлади. Ҳозир бу коллектив комбинатнинг иккинчи навбатига тегишли цехлар қурилишида ишламоқда. Сиз суратда монтажчилар Б. Замерфл ва К. Фабер ўртоқларни иш устида кўриб турибсиз.
А. Тўраев фотоси.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Москвадаги йигирма ва Ленинградаги ўн саккиз бирлашма, завод ва фабрикалар меҳнаткашлари коллективларининг ташаббусини маъқулладилар. Бу коллективлар илмий тадқиқот, лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотлари ва олий ўқув юртлари билан ижодий ҳамкорликда тайёрланадиган маҳсулотнинг энг муҳим турлари бўйича уч-тўрт йил мобайнида жаҳоннинг энг яхши стандартлари даражасига эришиш юзасидан янги социалистик мажбуриятлар олишди.

Иттифоқдош республикалар компартиялари Марказий Комитетлари ва Министрлар Советларига, ўлка, область партия комитетларига, халқ хўжалиги кенгашларига, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларига москваликлар ва ленинградликларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлашни, ишлаб чиқарилаётган ҳар бир буюмнинг техника даражаси, сифатини ошириш, пухта ва пишиқ бўлишини таъминлаш ҳамда хизмат кўрсатиш муддатини узайтириш учун меҳнаткашлар ўртасида мусобақани авж олдиришни ва техникани янада тараққий эттириш учун кураш ишчи, мастер, олим, инженер, техник, технолог, конструктор ва экономистнинг доимий иши бўлиб қолишига эришишни тавсия этилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети мамлакатнинг барча корхоналари ва ташкилотларида янги ташаббусни кенг қўламда қўллаб-қувватлаш ва кенг ёйиш коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришни жадаллаштириш имконини беради, деб ишонч билдирдилар.

Я Н Г И ҚУРИЛИШЛАРДА

ГИГАНТ ҚАД КЎТАРМОҚДА

Кўп катта қурилишларда бўлганман. Лекин бунақаси кам. Ахир, ўйлаб кўринг: Наманганда қурилаётган штапель толадан шойи ва костюмлик газламалар тўқиш комбинати томининг юзаси қарийб 40 гектар бўлади. Ана шу ошхонада 12,5 минг киши кишлайди. Йилига 65 миллион метр сифатли костюмлик ва шойи газламалар тўқиб чиқарилади.

Комбинат ҳақидаги дастлабки таассуротларимиз ана шундан иборат бўлди. Бинокорлар қурилиш суръатини тезлаштириш учун ҳаракат қилмоқдалар. Улар қўлга киритаётган меҳнат муваффақиятлари кишини маҳлиё этади.

Мана биринчи участка. Бу ерда ҳам бошқа участкалардаги сингари қайноқ ҳаёт нафасини ҳис этасиз. Кранлар тинимсиз ҳаракатланмоқда. Экскаваторлар ер қазийди: Грейдерлар, скрейперлар, бульдозерлар тупроқ суради, ер текислайди. Уларни бошқараётган шеҳюрак механизаторларнинг чаққонлиги завқингизга завқ қўшади.

СССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, республикада хизмат кўрсатган бинокор Абдулла Воҳидов бошлиқ комплекс бригада йигитлари ҳам шу ерда ишлашмоқда. Бригада азаматлари илғор иш усулларига амал қилиб, ўтган йил планини муддатидан бир ой илгари бажаришга муваффақ бўлдилар. Шу кеча-кундузда 1965 йил февраль ойи ҳисобига ишлаб, социалистик мусобақада пешқадамлик қилаётирлар.

Бригадада 35 киши ишлайди. Бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ. Ҳар бири икки-уч касбни эгаллаб олган. 1929 йилда Абдулла Воҳидовга Ф. Неъматшоев бинокорлик санъатини ўргатган бўлса, ҳозир унинг ўғли З. Неъматшоев уста бинокор бўлиб етишди. Ташкилотчилиги, иш билармонлиги кўпчиликка манзур бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам сувоқчилар бригадасига бошлиқ қилиб тайинлашди.

Бригаданинг М. Халилов, С. Пўлатов сингари ғишт терувчилари бажарган ишлар юқори сифати билан ажралиб туради. Қисқаси, А. Воҳидов бригадасидаги ҳар бир ишчининг ўзига хос яхши хислатлари бор. Бу хислатлар қўшилиб бригаданинг шон-шуҳратини оширмоқда.

Бундай илғор кишиларни 2-участкада ишлаётганлар орасида ҳам кўплаб учратиш мумкин. Бу ерда қат-қатланадиган конструкциялар полигони қурилиши тугалланмоқда. Корхона йилига 11 минг кубометр йиғма темир-бетон ишлаб чиқара олади. Қат-қатланадиган конструкциялар комбинат учунгина эмас, мамлакатимиз қурилиш индустрияси учун ҳам янгликдир. Ундан фойдаланиш қурилиш ишларини тезлаштиради, осонлаштиради, таннархини арзонлаштиради.

Темир-бетон буюмлари заводи қурилиши ҳам тез суръатлар билан бормоқда. Бу корхона комбинат қурилиши учун қурилиш материали тайёрлаб беради. Завод қурилиши ҳам тугалланай деб қолди. Бетончи Раиса Шатова, пайвандчи Иван Кузнецов, монтажчи А. Ҳамидов сингари ўнлаб ишчилар илғор усулларга амал қилиб, ишда намуна кўрсатмоқдалар. Улар ҳозирги кунда шу йилнинг февраль ойи ҳисобига ишлашяпти.

А. БУХОРБОЕВ.

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ ЖАВОБИ

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг бош министри Чжоу Энь-лайнинг 1964 йил 17 октябрдаги мактубида ядро қуролини батамом тақиқлаш ва батамом йўқ қилиб ташлаш масаласини муҳокама қилмоқ ҳамда бу йўлдаги биринчи қадам тариқасида шу қуролни қўлланишдан давлатларнинг воз кечиши тўғрисида битимга келмоқ учун жаҳондаги давлатлар бошлиқларининг кенгашини чақириш ҳақида Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг таклифи баён қилинган эди. 1964 йил 28 декабрда СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигин Чжоу Энь-лайнинг мазкур мактубига жавоб ёзиб юборди.

СССР Министрлар Совети Раисининг мактубида айтиладики, инсониятни ядро уруши хавфидан қутқаришни Совет ҳукумати ҳозирги кунда давлатларнинг энг муҳим вазифаси, деб ҳисоблайди. Қуролланиш пойгасини тўхтатишга, қуролсизланиш проблемасини ҳал этишга тарафдор бўлганларнинг ҳаммаси сарфлаётган куч ва ғайратни бундан буён қандай қилиб янада активлаштириш, бу йўлда олдинга боришга зўр бериб қаршилик кўрсатаётган империалистик доираларга тазйиқни қандай қилиб кучайтириш масаласи ҳозирги вақтда Совет ҳукуматининг фикрича, тағин ҳам каттароқ аҳамият касб қилмоқда. Ҳозир бу масала тобора кўпроқ давлатларнинг эътиборини жалб қилмоқда.

Ядро қуролини тақиқлаш ва йўқ қилиб ташлаш масаласини радикал равишда ҳал қилишга интилаётган Совет ҳукумати ядро билан қуролланиш пойгасини тўхтатиб туришга, чеклашга ҳозирнинг ўзидаёқ ёрдам берадиган чораларни кечиктирмай амалга оширишни ҳам талаб қилмоқда. Давлатларнинг ядро қуролини қўлланишдан воз кечиши тўғрисида халқаро битим тузиш мана шундай чоралардан бири бўлиб қолиши мумкин эди, бу битим ядро қуролини батамом тақиқлаш ва йўқ қилиб ташлаш йўлида қўйилган муҳим қадам бўла олур эди.

Сўнгра, мактубда айтиладики, ядро қуролини тақиқлаш ва йўқ қилиб ташлаш масаласи жаҳондаги давлатлар бошлиқларининг кенгашида муҳокама қилинсин, деб Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг қилган таклифи Совет ҳукуматининг йўлига ҳам мувофиқдир. СССР ҳукумати шу таклифга тўла равишда ўзининг рози эканлигини билдиради ва уни қувватлайди.

Мактубнинг охирида айтиладики, ядро қуролини батамом тақиқлаш ва батамом йўқ қилиб ташлаш масаласини муҳокама қилмоқ учун Совет ҳукумати давлатлар бошлиқларининг халқаро кенгашида қатнашишга тайёр ҳамда бу кенгаш ўтказилмоғи ва ижобий натижалар билан тугалланмоғи учун барча социалистик давлатлар ва бошқа тинчликсевар давлатлар билан биргаликда ўзининг қўлидан келган ҳамма чораларни кўради.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТУРКИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

МОСКВА, 4 январь. (ТАСС.) Туркия Республикаси Буюк миллат мажлисининг таклифига биноан, СССР Олий Советининг делегацияси жавоб визити билан бугун Москвадан Анқарага жўнаб кетди. СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Н. В. Подгорний делегацияга бошчилик қилади.

Делегация составида СССР Олий Советининг депутатларидан Т. Охунова, В. И. Гаганова, М. А. Гусейнов, А. Е. Данченко, Г. Д. Жавахишвили, И. М. Кратенко, В. П. Рубен, Т. У. Усубалиев, П. Н. Федосеевлар бор. СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари С. Г. Лапин делегациянинг маслаҳатчиси сифатида жўнаб кетди.

Сиз юқоридаги суратда Тўйтепадаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» номли металл конструкциялар заводининг илғор автогенчиси Николай Киреевни кўриб турибсиз. У корхонанинг заводлар, қурилишлар ва ирригация иншоотларини металл конструкциялар билан ўз вақтида таъминлаб туришига муносиб ҳисса қўшмоқда. Пастдаги суратда эса Аму—Бухоро каналининг Ҳамза насос станциясидаги электроподстанция қурилиши манзараларидан бири акс эттирилган.

И. Глауберзон ва А. Усмонов (ЎзТАГ) фотолари.

БИЛИМЛАРИНИ ОШИРМОҚДАЛАР

Янгиқўрғон бошқармасидаги «Октябрь» колхози партия комитети мутахассис кадрларни жой-жойига қўйиш, уларнинг назарий билимларини оширишга, кадрларнинг сиртдан ўқишига жиддий эътибор бериб келмоқда. Шу туфайли колхоз экономикаси йилдан-йилга юксалиб, ҳосилдорлик муттасил ўсиб бормоқда.

Колхоз пахтакорлари ўтган йил 1660 гектар майдондан 3470 тонна ўрнига 5690 тоннадан зиёд ҳосил кўтариб, планни ошириб бажардилар. Хўжаликнинг бошқа тармоқларида ҳам сезиларли юксалиш бўлди. Давлатга гўшт, жун, пилла ва тухум топшириш планлари ҳам ортиғи билан адо этилди.

Ҳозир колхоз аъзоларидан 20 киши ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда турли ўқув юртларида сиртдан билим олмоқда. Колхоз ишлаб чиқаришининг етакчи участкаларига мутахассислар, коммунистлар раҳбарлик қиляпти. Тошкент қишлоқ хўжалик институтида сиртдан ўқиётган ўртоқ А. Тўйчибоев бошчилик қилаётган бригадада 65 гектар майдоннинг ҳар гектаридан қариб 40 центнердан «оқ олтин» йиғиб олинди. Шунингдек, колхознинг участка агрономи ўртоқ Ражаб Отабоев ҳам намунали меҳнат қилмоқда. У бошчилик қилаётган участка пахта тайёрлаш планини 108 процент адо этди. Сиртдан ўқиётган коммунистлар бошчилик қилаётган бригадаларда 1965 йил мўл ҳосили учун ҳам пухта замин яратилмоқда. Ерлар шудгорлаб қўйилди.

Колхоз партия комитети қишлоқ ёшлари кечки мактабларининг ишига ҳам алоҳида эътибор беряпти. Ҳозир кечки ёшлар мактабларида 150 колхозчи ёшлар билим олмоқдалар. Шунингдек, сиёсий ўқиш ҳам яхши йўлга қўйилди. Колхоз партия ташкилоти қошида ташкил этилган қишлоқ хўжалиги экономикаси, КПСС тарихи ва бошланғич экономикани ўрганиш тўгаракларида кўплаб коммунист ва комсомоллар марксизм-ленинизм таълимотини пухта ўрганмоқда.

А. ҒОЗИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз муҳбири.



«ЗИЛ-130» МАШИНАСИ КОНВЕЙЕРДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети И. А. Лихачев номли Москва автомобиль заводи ва Главмосстройнинг 2-трести коллективларини катта меҳнат ғалабаси — «ЗИЛ-130» янги замонавий юк автомобили яратилганлиги ва уни оммавий суратда ишлаб чиқариш ташкил этилганлиги билан табрикладилар. Ишлаб чиқариш тўхтатилмаган ҳолда машина конвейерга қўйилди.

Мамлакатимиз автомобиль паркининг янги техника билан қуроллантирилганлиги, дейилади табрикномада, транспортдаги меҳнат унумдорлигини янада оширишни ва халқ хўжалик юкларини ташиш қийматини анча камайтиришни таъминлайди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети И. А. Лихачев номли завод ва Главмосстройнинг 2-трести коллективларига коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтириш йўлидаги олижаноб меҳнатда янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар.

* * *

«ЗИЛ-130» автомобилининг илгари чиқариб келинган «ЗИЛ-164» модели автомобилларига қараганда анчагина афзалликлари бор. Унинг юк кўтариш қуввати тўрт тоннадан беш-олти тоннага, прицеп ва ярим прицеп билан ишлаганда эса тўққиз тоннагача етказилди, двигателининг қуввати юз от кучидан бир юз эллик от кучига, максимал юриш тезлиги соатига 90 километрга етказилди. Двигателининг иш ресурси 80 минг километрдан 120 минг километр бўлиб қолди ва 1965 йилдан бошлаб 150 минг километргача етказилади.

Ҳозирги вақтда завод 8 тонна юк кўтара оладиган, прицеп билан ишлатилганда эса 16 тонна юк тортадиган «ЗИЛ-133» маркали уч ўқли янги юк автомобилини, шунингдек ҳамма ерда бемалол юра оладиган «ЗИЛ-131» автомобилини ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўра бошлади. (ТАСС).

БЛЮМИНГ ИШГА ТУШДИ

Челябинск металлургия заводида давлат комиссияси дунёда энг катта автомат блюмингларидан бўлган «1300» блюмингини фойдаланиш учун қабул қилди.

Янги блюмингдан ҳар йили бир неча миллион тонна металл олинади. У заводда эритилган пўлатнинг ҳаммасини тўла-тўкис қайта ишлаб бера олади.

ҲАЁТИМИЗ ЯНАДА ГЎЗАЛ БЎЛСИН

Турмуш маданиятини тобора юксалтириш, меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни кундан-кунга яхшилаш ғоят муҳим масаладир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон КП Марказий Комитети XIII пленуми турмуш маданиятини юксалтириш, аҳолига кўрсатиладиган маданий-маиший хизматни яхшилаш, ўтмиш сарқитларини тугатиш шу кеча-кундуздаги энг муҳим вазифа эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим шарти бўлган бу масала муҳокама қилинган пленумдан буён ярим йилдан кўпроқ вақт ўтди. Республикамизнинг қишлоқ, шаҳарларида пленум қарорларини амалга ошириш соҳасида бирмунча ишлар қилинди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети Президиумининг қарорига мувофиқ январь ойида Ўзбекистон КП Марказий Комитети XIII пленумининг қарорлари областларда қандай бажарилаётганлиги ўзаро текширишдан ўтказилади.

Биз қуйида турмуш маданиятини оширишга доир бир қанча материаллар ёритмоқдамиз.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XIII ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИНГ ИЖРОСИНИ ТЕКШИРАМИЗ

ҚИШЛОҒИМИЗ ЖАМОЛИ

ЯНГИАРИҚДАГИ ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ КОЛХОЗНИНГ АҲОЛИГА МАДАНИЙ-МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАЖРИБАСИДАН

Кеч куз. Ҳаво очиқ. Ёқимли шабада эсиб турибди. Осмонда юлдузлар чарақлайди. Правление томон оқиб келаётган одамлар дарёсининг кети узилмайди. Ҳамма шод-хуррам. Кувонмаслик ҳам борми, йил—ўн икки ой тўкилган манглай тери зое кетмади. Давлатга пахта, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар сотиш планлари бажарилиб, эл-юрт олдида юз ёруғ бўлди. Жўжани кузда санашга аҳд-паймон қилган колхозчи-деҳқонларнинг дили кувонча тўлди. Халқ мақолида «меҳнат—меҳнатнинг таги роҳат» дейилади. Ижодий меҳнат билан бунёд этилган ҳосил катта даромад келтирди. Бугунги йиғилиш ана шу масалалар ҳақида маслаҳатлашиб олиш учун чақирилган.

Правление раиси Аҳмаджон ака Юсупов докладнинг бош қисмида ўсиш ва юксалиш рақамлари ҳақида сўзлади. Бу бежиз эмас эди, албатта. Охунбобоев номли колхоз ўша незларда ҳосилдорлик жиҳатдан областда пешқадамлардан эди. Даромад ҳам шунга яраша ўсиб борарди. Колхозчиларнинг ҳамёнида пул, омборида дон. Кўрада сигир, қўй... Хуллас, колхознинг экономикаси мустаҳкам, колхозчиларнинг турмуши фаровон эди.

Докладнинг ўртасигача борганда қизиқ воқеа рўй берди, докладчининг овози пасайди. Бунинг устига чор тарафдан ёғила бошлаган ёзма саволлар уни гангиратиб қўйди. Докладни бир амаллаб тугаллади-ю, ўрнига ўтириб, пешанасидан оқаётган терни артди. Колхозчилар бирин-кетин минбарга кўтарила бошлашди. Танқидий фикрлар айтилди, конкрет таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди.

— Хўжалигимиз бақувват, халқимиз бардам, — деди Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Онажон опа Саъдуллаева, — аммо қишлоғимиз шу ҳаётимизга, турмушимизга мос эмас. Жин кўчаларда тунда юрганя қўрқасан, киши. Раис, омборимиз ғаллага, қўрамиз қўйга тўлди деди. Бу тўғри. Ноз-неъматларга ҳам боймиз. Бироқ битта меҳмон келса ўтказадиган жойимиз йўқ. Халқимизда «тўплади-ю, емади, ўқиди-ю, амал қилмади» деган нақл бор. Ҳар йили бўлинмас фондга минг-минг сўмлаб маблағ ажратамиз. Лекин битта касалхона ёки туғруқхона қурмадик. Мана шу ёниб турган электр чироғига қаранг, энди чумак урган помидорга ўхшайди. Наҳотки, қишлоғимизни чароғон қилиб ололмасак?

— Мен ҳам Онажон опанинг фикрига қўшиламан, — деди қурилиш бригадири Саттор Каримов, — правление ва партия ташкилоти қурилиш ва ободончилик ишларига яхши эътибор бермаяпти. Биз тахта десак, улар пахта дейди. Тўғри, пахта шон-шуҳратимиз, миллий бойлигимиз. Аммо пахтадан олинган даромаднинг бир қисми халқнинг маданий турмушини яхшилашга сарфланса бўлмайдими? Чоқка келадиган битта клубимиз йўқ. Кино ҳам, концерт ҳам очиқ майдонда кўрсатилади. Уч йилдан буён болалар боғча ва яслиси биноси қурамиз, кўп болалик оналарнинг жамоат ишида қатнашувига кўмаклашамиз, деймиз. Лекин ҳали тўртта ғишт бир-бирига қалаштириб қўйилган эмас. Қурувчи усталаримиз хирмонга қоровуллик қиляпти, сушилкага ўт ёқяпти. Уларнинг боши бир жойга қовуштирилса, қишлоқни гул-гул қилиб юборши мумкин. Лекин бу ҳажда бош қотирадиган киши топилмаяпти. Докладчи, бўлинмас фондда беш юз минг сўм пулимиз бор, деди. Жонсиз ётган бу маблағдан халққа нима фойда? Таклифим шуки, ё қурилиш бригадаси аъзолари иш билан таъминлансин, ёки тарқатиб юборилсин...

Сўзга чиққан бошқа нотиқлар ҳам правление раҳбарлари шаънига жиддий танқидий мулоҳазалар айтишди. Мактаблар эски биноларга жойлашгани, хўжаликда дурустроқ магазин, ошхона йўқлиги, ҳаммом, маиший хизмат кўрсатиш муассасалари очишга етарли эътибор берилмаётгани ачиниш билан тилга олинди. Хуллас, шу куни раҳбарларга «жуда қийин» бўлди. Кўзи мошдек очиб қўйилди.

ҚУРГАН ҚУРАВЕРАДИ, ТУРГАН ТУРАВЕРАДИ

Колхоз правлениеси ва партия комитети пахтачилик, чорвачилик ва бошқа тармоқларни қурилиш-ободончилик ишлари билан узвий боғлаб олиб бора бошлади. Пахта майдони янги ер очиш ҳисобига 2500 гектарга етказилди, ҳосилдорлик гектар бошига 33-35 центнерга кўтарилди. Ҳар йили давлатга 7-8 минг тонна «оқ олтин», 180-200 тонна гўшт, 350-360 тонна сут, кўплаб пилла, шоли, сабзавот ва бошқа турдаги маҳсулотлар сотиляпти. Даромад йил сайин ортиб боряпти. Унинг катта қисми бўлинмас фондга ажратилиб, қурилиш ва ободончилик ишлари авж олдириляпти. Колхозда ялпи даромаднинг ўсиши қуйидагича характерланади:

— Колхозчиларнинг ҳақли танқидидан тегишли хулоса чиқариб олдик, — ҳикоя қилади Аҳмаджон ака. — Ҳар йили бўлинмас фондга 500-550 минг сўм маблағ ажратилган бўлса, унинг асосий қисми қурилиш ва ободончилик ишларига сарфланди. Жамоат бинолари қад кўтарди. Колхозчилар янги уйларга кўчиб кирди. Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш яхшилангач, колхоз олдида турган сиёсий ва хўжалик вазифалар муваффақиятли бажарила бошлади. Кўп йиллик кузатишлар ва бой тажрибага таяниб шундай хулосага келдим. КПСС Программасидаги халқ бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилиш партия фаолиятининг олий қонунидир. Коммунизм халқ томонидан ва халқ учун барпо этилади. Ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун, деган сўзлар ҳаётдан олинган бўлиб, коммунизмнинг актив қурувчилари — совет кишилари ҳақида қилинаётган ғамхўрликнинг ёрқин тимсолидир. Биз шу йўлдан бориб, барча соҳаларда катта ғалабаларга эришишимиз мумкин. Мен буни айрим мисоллар билан исботлаб бермоқчиман.

Меҳнаткашларнинг турмуш маданияти нақадар юқори бўлса, хўжалик вазифалар шу қадар тез ва осон ҳал этилади. Биз Амударё қирғоқларидан 700 гектар янги ер очиш масаласини кун тартибига қўйдик. Шунда янги ерга асосан коммунист ва комсомоллар боришини назарда тутган эдик. Натижа биз кутгандан ҳам зиёда бўлди. Коммунистлар, комсомоллардан ташқари партиясизлар ҳам чўлга бориб ишлаш ҳоҳишини билдирди. Нега? Чунки чўл бировнинг ери эмас, балки ўзимизнинг еримиз, уни ўзлаштириб, қишлоқ хўжалик оборотига киритиш муқаддас бурч эканини колхозчиларимиз тушунди. Кўплаб маданий-маиший муассасалар — магазин, ошхона, новвойхона, медицина муассасалари қурилиб фойдаланишга топширилди. Колхозчилар янги жойга кўчиб борсалар, ҳеч нарсадан муҳтожлик сезмасликларига ишонч ҳосил қилдилар. Ҳозир ана шу янги ўзлаштирилган ерларда ҳосилдорлик 35-40 центнерга кўтарилди. Давлатга минг-минг тонналаб «оқ олтин» армуғон этиляпти.

— Аҳоли турмуш маданиятининг юксалиши, — суҳбатга қўшилди партия комитетининг секретари ўртоқ Абдуллаев, — янги кишини — ҳар томонлама юксалган, жисмоний жиҳатдан соғлом, маънавий жиҳатдан камол топган, лўнда қилиб айтганда, коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси қоидаларига содиқ кишини тарбиялашда катта роль ўйнайди. Биз колхозчиларнинг турмуш маданиятини юксалтириш соҳасида анча-мунча иш қилиб нима ютдик? Колхозчининг қорни тўқ, усти бутун, турмуши фаровон бўлгандан кейин у янада мўл-кўл моддий бойликлар яратиш ҳақида ўйлайди. Бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ меҳнат қилишга уринади. Бадавлат ҳаёт, ширин турмуш уни янги меҳнат зафарларига ундайди. Резервларни қидириб топиш ва ишга туширишнинг йўллари ҳақида бош қотиради. Ўз меҳнат ва маблағ сарфлаб, кўп ва арзон маҳсулот етиштиришга интилади. Шу йўсинда уларнинг активлиги ва ташаббускорлиги кучаяди. Шу асосда меҳнат унумдорлиги ортади. Бу ўринда бир мисол келтирмоқчиман.

Хўжаликда 400 дан зиёд ёш болалик аёл бор. Биз уларни жамоат ишларига кенг жалб этишга кўп уриндик. Суҳбатлар ўтказдик, маслаҳатлар бердик. Эътироф этиш керакки, баъзан аччиқчучук гаплар ҳам қилиб кўрдик. Лекин кўнгил таҳсин топадиган натижага эришилмади. Кейин бошқача йўл тутдик. Болалар боғча ва яслилари очилди. Новвойхонада нон, ошхонада иссиқ овқат тайёрлана бошлади. Шундан кейин ташвиқот-тарғиботга эҳтиёж қолмади. 350 дан ортиқ болалик она ўз фарзандларини болалар муассасаларига бериб, ўзлари пахтачилик, сабзавотчилик, пиллачилик бригадалари, сут-товар фермаларига ишга чиқдилар.

Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш билан яна бир муҳим масала ҳал қилинди. Колхозчилар ишдан кейин маданият саройида лекциялар тинглайдилар, кино-концертлар кўрадилар, китобхонлик ва газетхонлик қиладилар. Шахмат-шашка, кураш ва спортнинг бошқа турлари бўйича ўтказилаётган мусобақаларда қатнашадилар. Олимлар, ишлаб чиқариш новаторлари билан учрашувлар бўлиб туради. Химия мўъжизалари ҳақида савол-жавоб кечалари ўтказилади. Буларнинг ҳаммаси уларнинг коммунистик онглилигини оширишда ижобий таъсир кўрсатаётир. Маданий-маиший муассасалар тармоғи кенгайиб, колхозчиларнинг онги ошавергач, ўтмиш сарқитлари, хусусан диний сарқитлар барҳам емоқда.

— Аммо, — суҳбатни якунлаб деди Аҳмаджон ака, — маданий-маиший муассасалар бунёдга келтириш, турмушни коммунистик асосларда қайта қуришда чалакам-чатти ишларга йўл қўйиб бўлмайди. Бунда ҳар бир хўжаликдаги конкрет шароит, ички резерв ва имкониятлар, кассадаги маблағ тўла ҳисобга олиниши, турмушни коммунистик асосларда қайта қуришнинг аҳамияти идеология ишининг турли форма ва методлари орқали меҳнаткашларнинг онгига сингдирилиши керак. Конкрет мақсадни кўзлаб, сабот-матонат билан иш тутиш лозим.

Биз колхоз қишлоғини бош план асосида қуриш жараёнида айрим тўсиқларга дуч келдик. Олдинига лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр бўлмади. Улар қўлимизга текканда эса анча-мунча нўшимча ва ўзгартишлар киритишга тўғри келди. Иш авжга чиққан паллада қурилиш материаллари етишмай қолди. Лекин бундан қўрқмадик. Камчиликларни бартараф этдик. Ҳар бир колхозда қурилиш ва ободончилик ишларини кенг қанот ёйдириш, юксалиб бораётган маданиятимиз талаблари даражасида маданий-маиший муассасалар бунёдга келтириш, меҳнаткашларнинг турмушини коммунистик асосларда қайта қуриш учун ҳамма шарт-шароит ва имконият мавжуд. Гап ана шу имкониятлардан ишнинг кўзини билиб фойдаланишга боғлиқдир.

БИР КЕЛИБ КЕТИНГ ПОСЁЛКАМИЗГА

Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш, дейилганда чакана савдо, умумий овқатланиш, уй-жой, коммунал хизмат, мактаб-маориф, соғлиқни сақлаш, маданий-оқартув муассасалари, транспорт ва алоқа хизматини назарда тутамиз. Бу ерда ана шу муассасаларнинг ҳаммаси мавжуд бўлиб, меҳнаткашларга яхши хизмат кўрсатмоқда.

Посёлка бош план асосида қурилган. Маданий-маиший муассасалар кварталларга дид билан жойлаштирилган. Масалан, болалар муассасалари ва мактаб бинолари бир кварталда бўлиб, болалар олдин яслига, кейин боғчага қабул қилинади. Ёши улғайгач, мактабга узатилади.

Медицина муассасалари — туғруқхона, касалхона, консультация ва медицина пунктлари, аптека бир кварталда бўлиб, бемор даволаниши учун бошқа жойга қатнаб юрмайди. Дардига шу ерда шифо топиб, ижодий меҳнатга қайтади. «Тез ёрдам» ҳам шу ерда. Правление қарори билан «Тез ёрдам»га иккита енгил машина ажратилган. Медицина муассасалари телефонлаштирилган.

Яна бир мисол. Йирик квартелларнинг бирини саноат ва озиқ-овқат моллари магазинлари, ошхона ва новвойхоналар эгаллаган. Колхозчилар ишдан қайтгач, ошхонада овқатланиши, новвойхонадан эҳтиёжига яраша нон, магазинлардан энг зарур буюмлар ва кийим-кечаклар харид қилиши мумкин. Ваҳолонки, илгари савдо шохобчалари тарқоқ бўлиб, у ёни бу буюмни харид қилиш учун кўп вақт сарфланарди.

— Хутор системасидан посёлка системасига ўтишда, — дейди қурилиш бригадири ўртоқ Каримов, — янги посёлканинг ҳажми, хонадонлар сонини аниқ ҳисобга олиш керак. Шунга эришиш лозимки, ҳозирги қад кўтараётган маданий-маиший муассаса ўчоқлари келгусида посёлканинг марказий қисмида бўлсин. Бу маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашда муҳим омилдир.

Посёлкада ҳаммом ва сартарошхона, кир ювиш хонаси ва этикдўзлик цехи, якка буюртма кийим-кечаклар тикиш ва радио-телевизор устахоналари узлуксиз ишлаб турибди.

— Илгари пойафзал йиртилса ёки янги костюм буюртмоқчи бўлсак, бир кун ишдан қолиб Хонқа ёки Урганчга қатнашга мажбур эдик, — дейди пахтачилик бригадасининг бошлиғи Арслон ака Юсупов,— энди-чи, ҳаммаси ёнимизга жойлашган. Ҳатто телефон орқали буюртма қабул қилиляпти. Турмушимиз тобора яхшиланиб боряпти. Посёлкамизда ҳар йили 75-80 киши ўғил уйлантириб, қиз чиқаради, фарзандининг туғилган кунини нишонлайди. Ана шундай тўй-тантаналарни янги кийим-кечаксиз ўтказиб бўлмайди. Шундай пайтларда қўли гул косиб ва тикувчиларимиз халқимизни мамнун қилишяпти.

Посёлка тўла электрлаштирилган, радиолаштирилган. Кўпчилик хонадонларда телевизор бор. Клубда кино, концертлар кўрсатилади. Бадиий ҳаваскорлик тўгараги қатнашчилари саҳнада ва радиоузел орқали концертлар беради. Хонадонларни телефонлаштириш ишлари жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда. Аҳоли водопровод суви билан таъминланган. Аҳмаджон ака яқин келажак режалари ҳақида бундай дейди:

— Колхозда 1363 хўжалик бор, шундан 1227 хўжалик янги уйларга кўчиб кирди. Арслон Юсупов, Олим Қўшоев, Зариф Раҳмонов, Муҳаммад Олломов каби колхозчилар оиласи бир йиллик меҳнати эвазига 7.8 минг сўмдан даромад олаётирлар. Халқимизнинг емиш, ичмиш, кийим-кечакдан камчил жойи йўқ. Шундай бўлгач, иморат солади, пўлат ароватлар, гиламлар, гардироб, холодильник, телевизор, диван, стол-стуллар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар харид қиляпти. Яқин йилларда шаҳарчамизни тўла газлаштирамиз, унинг марказий қисмидан канализация ўтказамиз. Ҳозир шунга тараддуд кўряпмиз.

Посёлка системасига кўчилганда иморат қуришда шу вақтгача ҳукм суриб келган ўзбошимчалик ва тартибсизликларга барҳам берилади. Қишлоқнинг ҳуси-жамоли очилади. Хонадонлар ўртасидаги деворлар қўпориб ташланиб, ўрнига манзарали дарахтлар, гуллар ўтказилса, посёлка янада гўзаллашади. Колхоз посёлкасининг марказий қисмида маданият ва истироҳат боғи ташкил қилинган, боғнинг ўртасига фонтан қурилган. Колхозчилар питомникдан хоҳлаганча гул ва мевали дарахт кўчатлари олишлари мумкин.

Посёлка системасига ўтилиши жуда катта маблағни тажаш имкониятини беради. Жамоат ва уй-жой бинолари бир-бирига туташ бўлганлиги сабабли электрлаштириш, газлаштириш, телефонлаштириш, радиолаштириш осонлашади. Маданий-маиший муассасалар хизматидан баҳраманд бўлиш қулайлашади.

Ҳоразм область, Янгиариқ районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзолари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIII пленуми қарорлари асосида аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни йилдан-йилга яхшилаб боришга қатъий аҳд қилганлар. Колхозчилар ўзлари бунёд этаётган янги шаҳарча қўйнида ўз оила аъзолари билан бахтли ва фаровон ҳаёт кечирмоқдалар, ижодий меҳнат меваси билан коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга улкан ҳисса қўшмоқдалар. Ҳаётда, меҳнатда, гўзал посёлка бунёдга келтиришда улардан ибрат олса арзийди.

Ҳ. НУРУЛЛАЕВ,
М. НАЗАРОВ,
С. ИБРОҲИМОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«ЖОНСИЗ ШТАТЛАР»

«Совет Ўзбекистони» газетасининг 1964 йил 11 декабрь сонида шу сарлавҳали фельетон босилган эди. Фельетон кенг жамоатчилик муҳокамасига сабаб бўлди. Редакция шу хususда газетхонлардан кўплаб хат олди. Собиқ Урта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши радио ва электр саноати бошқармаси фельетон юзасидан ўтказилган текшириш якуни ва кўрилган чора-тадбирлар ҳақида редакцияга қуйидагиларни хабар қилди:

«Жонсиз штатлар» фельетони «Ташэлектромаш» заводи дирекцияси ва партия ташкилотининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилиниб, унда келтирилган фактлар тўғрилиги эътироф этилди. Йўл қўйилган камчиликларни тугатишга қаратилган оператив тадбирлар белгиланди. Маъмурий аппарат ходимлари сони ҳозирдаёқ 7 нишига қисқартирилди. Бу ҳар йили 8.700 сўм давлат маблағини тежаш имкониятини беради.

Бошқа танқидий мулоҳазалардан ҳам тегишли хулоса чиқарилди. Меҳнаткашларнинг кенг истеъмол буюмларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида заводда 1965 йилдан бошлаб ВЭ-1 маркали электр вентилятор ишлаб чиқарила бошлайди. Келгусида штатни янада қисқартириш чоралари кўрилмоқда.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ № 2
5 ЯНВАРЬ, 1965 ЙИЛ
№ 2 (12.958).

КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА...

ЧАРОҒОН ПОСЕЛКА

Яккабоғ районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози пахтакорлари хўжаликни интенсив тарзда тараққиё эттирмоқдалар. Пахта етиштириш тобора кўпаймоқда. Чорва маҳсулотлари тайёрлашда ажойиб ғалабаларга эришилмоқда. Мўл ҳосил хўжаликка катта даромад келтираётир. Колхоз қишлоғи посёлка типида қайта қурилиб обод ва чароғон бўлмоқда.

Кейинги вақтларда колхозда кўп ўринли клуб, қутубхона қурилди. Меҳмонхона ва чойхона ишга туширилди. Посёлкада иккита саккиз йиллик ва битта ўн бир йиллик мактаб бор. Колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг ташаббуси билан мактабларга янги бинолар қуриб берилди. Уларда меҳнаткашларнинг 1300 га яқин фарзанди таълим олмоқда.

Жамоат бинолари қурилиши авж олдириб юборилди. Хўжалик ўз маблағи ҳисобига боғча ва ясли бинолари, туғруқхона қурди. Радиоузел, алоқа, кинотеатр бинолари посёлканинг ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Авто-трактор парки, чорва бинолари деярли янгидан қурилди.

Маданий-маиший муассасалар сони кўпаймоқда. Колхозчилар умумовқатланиш корхонаси ва новвойхона хизматидан мамнун бўлмоқдалар. Ҳозир маиший хизмат кўрсатиш комбинати қуриш тадбирлари кўрилаётир.

Посёлка электрлаштирилди ва радиолаштирилди. Колхозчилар ўз оила аъзолари билан ижодий меҳнат ғаштини сурмоқдалар.

Ш. МАҲМУДОВ.

МУНОСИБ ТУҲФА

СИРДАРЁ РАЙОНИНИНГ МАРКАЗИЙ ПОСЕЛКАСИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАР ЯНГИ ИЛ АРАФАСИДА МУНОСИБ ТУҲФА ОЛДИЛАР. ПОСЕЛКАНИНГ ОБОД КЎЧАЛАРИДАН БИРИДА 45 КВАРТИРАЛИ ҚЎШҚАВАТ БИНО ҚУРИБ БИТКАЗИЛДИ ВА ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ. 36 ХЎЖАЛИК ЯНГИ ИЛНИ ДАНГИЛЛАМА УЙЛАРДА КУТИБ ОЛДИЛАР.

Э. РУЗИБОЕВ.

ОНАЛАР МАМНУН

Илгари Охунбобоев номли колхозда алоқа бўлими йўқ эди. Шу сабабли кунлик газета-журналлар вақтида келтирилмас, хатлар эгаларига кечикиб тегар эди. Колхозчилар пенсия пули ва кўп болалик оналар давлат нафақаси олишда анча қийинчиликларга дуч келар эди. Район алоқа бўлими буни ҳисобга олиб колхозда янги алоқа бўлими очди. Эндиликда газета-журналлар, хат-хабарлар эгаларига ўз вақтида етказиб берилмоқда. Алоқа бўлими ходимларининг хизматидан пенсионерлар ва кўп болалик оналар айниқса хурсанд. Самарқанд районидаги деярли ҳамма колхозларда алоқа бўлимлари ишлаб турибди.

М. ЯНГИБОЕВ.

ЯНГИ МАГАЗИНЛАР

Қадимий, лекин ҳамиша навқирон Қўқон шаҳрининг қиёфаси йил сайин ўзгариб, обод ва чароғон бўлаётир. Ўтган йилнинг сўнгги кварталида шаҳарнинг марказий қисми ва чекка жойларида 25 магазин ва дўкон очилди. Савдо ходимлари янги йилнинг дастлабки кунларида шаҳар меҳнаткашларига бир неча ўн минг сўмлик саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари, картошка, сабзавот ва қовун-тарвуз сотдилар. 1965 йилда савдо шохобчалари тармоғи янада кенгаяди, аҳолига савдо хизмати кўрсатиш яхшиланади.

У. НАЗАРОВ.

РАВОН ЙЎЛ

Гурлан районининг меҳнат аҳли яна бир нувончли воқеанинг шоҳиди бўлди. Қиличбой каналини Урганч—Гурлан магистрал йўли билан боғловчи 5 километр йўл асфальтланиб фойдаланишга топширилди. Колхозлараро бу йўлда турли халқ хўжалик юклари ташилмоқда. Йўл қурилишида шоферлардан В. Хрюстов, М. Юсупов ўртоқлар айниқса жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилдилар. Гурлан районидаги барча колхозларда равон йўллар қуриш нучайтириб юборилди.

Ж. ИБРОҲИМОВ.

Илғор йўл

ОЙБЕК

(РОМАНДАН ПАРЧА)

□ □

— Исми нима экан, билайлик ахир? — сўради журъатсизгина ташвишли товуш билан Умарали.

Қаттиқ бир йўталиб бўйрани кўтариб тупурди Жумабой.

— Отини билолмадим, қомати ғоят келишган, мисоли қамишдай. Хуснининг таърифини сўраманг, тилим ожиз. Эшитишимга қараганда, дуқчи чол бор-ку, шунинг қизи эмиш.

Сабрсизлик билан жавоб кутиб турган Умаралининг юрагида шу тобда гўё бир нарса узилгандай бўлди, тўсатдан тубсиз бир ўпқонга йиқилгандай ҳис қилди йигит ўзини. Қадди букилди унинг, бошини қўллари орасига олганича жим қотди. Ҳаприқиб кетган юрагининг урганини ўзи эшитгандай ҳис қилар, бутун вужудидаги титроқни яширишга уринар эди.

Жумабой йигитдаги ҳаяжонни, дардни пайқамади, қиз бечорага бу ҳам ачинди-ку, деди ўз-ўзига.

— Шундай, дўстим Умарали, ёмонлар кўп, камбағални туянинг устида ит қопади, деганлари ҳақ, рост гап. Эшонхонга, Саидаҳмадга ўхшаган қабиҳларнинг бўйнини суғуриб ташласанг, савоб-да. Милла, чораси борми? — сўради тамаки тутунини ютиб.

Умарали изтиробдан қаттиқ эзилган, хафа, дилгир эди. Назарида гўё бутун борлик чилчил синиб кетгандай туюлар эди унга. Унинг қалбидан бирдан қон, ғам-алам тошиб кетди, бошини кескин равишда тик кўтарди:

— Жаҳон иши гўё бу қолиб унга ўхшайди. Фузулий айтганларки:

Дўст бепарво, фалак бегам, даврон бесукун,
Дард чўқ, ҳамдард йўқ, душмон қави, толе забун, —

узун уҳ тортиб, бир он сукут этгандан кейин тағин деди у, — шундай, толе — бахт биздан узоқда, фақат орзуси юракда...

— Фузулийнинг айтганлари ниҳоят маъноли, ғазалларини кўп эшитганман, — деди Жумабой мўйловини чимтиб. — Заводда мен билан ишлайдиган бир ўртоғим бор. Шўрлик мўмин-қобил йигит, тузуккина саводи бор ўзининг, Навоий, Фузулийнинг кўп суйиб ўқийди, айниқса Фузулийнинг ғазалларини ёддан ўқишни, маъносини чақишни яхши кўради. Тўғри айтасиз, ғам-ғусса ҳаддан ташқари бисёр, лекин билиб қўйинг, милла, ёлғиз ишчилар бизнинг халоскоримиз. Бутун меҳнат аҳли бир бўлиб, шоҳ йўлимизни топиб, мақсадимизга етиб олсак, олам гулистон бўларди-қўярди.

Дардли хаёллар оғушида ўзини йўқотаёзган Умарали ғайри-шуурий равишда деди:

— Жаъми қора халқмиз, қайдам, бир нима қилиб бўлармикин...

— Рус ишчилари кўп нарсани тушунадиган, жасур, билгич одамлар. Халқимиз ғафлатдами? Уйғотиш керак, дўстим! Мен рус ўртоқларим билан ҳамсуҳбат бўлганимдан буён кўзларим анча очилиб қолди. Ҳа, милла, ҳар қандай дарднинг давоси бор. Эшонхонни, Саидаҳмад бойни нима қилиш керагини бир ўйлаб кўринг-чи, шоҳ бир иложи бордир. Маҳаллага боринг, бафуржа маслаҳат билан бадбахтларга балки тегишли жазо топурмиз. Сичқон кавагида ўтиргандай муттасил китобга тикилиб ўтираверманг, ҳужраям бир кавак-да, мундоқ чиқиб, халқнинг турмушини кўриб-кўриб туринг! — деди танбеҳловчи оҳангда. — Хайр, мен кетдим.

Умарали саросималигини яширишга тиришиб, зўраки жилмайди. Жумабойни кузатиш учун ўрнидан турди. Хайр-маъзур қилиб, Жумабой чиқиб кетди.

Умаралининг хаёли Зумрадга кетган. Наҳотки фалокат юз берди, дерди ўз-ўзига. Тор ҳужрада гир айланиб юрди. Қалбида олов, ҳасрат тўлқини. Кўнгли ғаш, боши гангиган ҳолда ҳужрани нари-бери қулфлади-да, мадрасани тарк этиб, шошилиб кўчага отилди.

Умарали хаёли паришон. фикрлари чигаллашган, гангиган ҳолда узоқ юрди. Паст-баландликларда неча вақт юрганини билмаяпти, ахир жарга тушди. Онда-сонда ўйинқароқ болалар, тирикчилик билан овора юрган катталар учраб эди. Умаралининг хаёли, фикри ёлғиз Зумрадда. Бойни, Эшонхонни ўйлар экан, ғазаби тошганидан гўё ўзини йўқотиб юборгандай ҳис қилар, жони қиқилдоғига тиқилгандай бетоқатланарди. Наҳотки шундай фаросатли, закки қиз тузоққа илинса, — ўйларди йигит ақлига сиғдиролмагандай, аллақандай шубҳалар, гумонлар фикрини ишкал қиларди. Маккор Эшонхон балки Зумрадни мажбуран илинтиргандир, балки олтин безакларни, боғ-роғларни ваъда қилиб, йўлдан оздиргандир дея минг хил хаёлга кетарди. Умарали. Оғир ўйларга ботган, дардда эзилган ҳолда у бир дарахтга суянди. Муҳаббат ва ғам исканжасида узоқ туриб қолди. Шу тариқа қанча вақт ўтганини билмас эди у. Тағин мадорсиз оёқлари билан бир-бир босиб, баландга чиқди. Қуйида кўпириб жарга учиб тушаётган сувнинг гувиллаши эшитиларди. Йигитнинг юраги ҳасрат оловида, ҳижрон тўлқинида, хаёли севгилисини излар эди. Зумрадниг эшигига интизор бокиб, узоқда, толлар панасига юриб ўтди. Кимса кўринмаган, оғир сукунатга чўккан ҳовлидан тўсатдан вовиллаган ит овози эшитилди. Шу тобда Умаралининг қалби изтиробдан қаттиқ оғриб кетди. У Зумрадни бир кўргиси, ҳушжараниг овозини бир дафъа эшитгиси келар эди. Лекин, вой, фалак гардиши бизга ҳамиша тескари, деди узун уҳ тортиб Умарали. Ҳижрон аламига таскин топа олмай, оғир хаёллар дарёсида гўё эси-ҳушини йўқотгандай ғамгин юриб, бошқа кўчага қайрилди. Юра-юра жарликдан чиқиб, Хадрага етганини у сезмай ҳам қолган эди.

Гузарда гич одам, чойхона тўла. Аравалар, от-эшаклар дукури... Сомон ортилган туялар, файтунлар... Харакат кўп.

Умарали чойхонанинг чет ёқасида, орқароқдан пастаккина жой топиб, панароқда ўтирди, «Мумкин бўлса битта чой!» деди ҳорғин паст товуш билан.

Самоварда бир тўда ёш йигитлар — кўнчилар, Умаралининг танишлари, ёшликда ошиқ, чиллак ўйнаб бирга ўсган дўст-ёрлари қелин бир даврада майдалаб чой ичишар, кизғин суҳбатда ўтирар эдилар. «Келинг, келинг, тақсир!» дея, қўярда-қўймас Умаралини хушнудлик билан дарров ўз давраларига олдилар. Сўрашиб улгурмасдан қўлига тутқазилган пиёладаги аччиқ кўк чойни Умарали қизғанқираб ҳўплар экан, қорача келган, чапандинамо йигит, лабида енгил табассуми ила деди:

— Ёшликда хўб ўйнар эдик чиллакни, лекин сиз қамиш сибизғани зап боплаб чалар эдингиз. Қарабсизки, мадрасада ўқиб, мана миллойи калон бўлибсиз-а! Қўчқор бўлур қўзининг пешанаси дўнг бўлур, ога бўлур йигитнинг пешанаси кенг бўлур, деган гапда сир кўп экан!

Йигитлар чақнаб кулишди. Жиндай ҳазилмутойибадан сўнг суҳбат тирикчилик, қиммат-чилик хархашаси устида кечди. Зогора нондан, атала ошдан, умуман тангликдан зорланишди. Боёнларнинг айш-ишрати ҳақида гапирдилар. Мўминганинг мулойим бир кўнчи йигит юмшоқ товуш билан тутила-тутила сўзлай бошлади: — Айниқса бой кўнчилар харом нафс майлига берилиб, ҳаддан ташқари бойликдан шишиб кетяптилар. Малайлик билан меҳнат ёлғиз бизнинг пешанага ёзилганми, жилла бўлмаса, қурсоғимиз тўйса-чи! Йўқ, турмушимиз ит турмуши! — деди куюниб.

Тўғри айтасан, дея бош тебратиб тасдиқлашди ўтирганлар.

Умарали паст овоз билан шошмасдан вазмин сўзлай бошлади. Халқнинг бошидаги кулфати, халқ тақдири ҳақида гапирди.

— Катта салла бошга юк, катта калла ғамга кон дегандай, калламиз ҳам, юрагимиз ҳам қонга, ҳасратга кон бўлиб қолди-ку, турмушимиз нуқул фожиа, чораси йўқми? — деб сўради йигитлардан бири.

Умарали истеҳзо билан жилмайди. Йигитлар жим ўтирардилар. Кенг пешана, пайваста қуюқ қошли, қирғий бурун, барваста, дуркун бир ўспирин, ёш бўлса-да, сўзамол йигит Умаралига қараб сўзлади:

— Миллака, золим Никалайни даф қилдик, хурриятга етишдик, дея барча халойиқ суюндик. Лекин ҳануз яйраганимиз йўқ, қани нон? Тишимизга гўшт тегмайди — анқонинг тухуми. Тўқ деҳқонлар, беҳаё боёнлар мисоли жаннатда дейсиз, иморатлар тароқ-тароқ, боғлар таноб-таноб! Биз бўлса сўққа бошмиз! Қаҳрлик, муҳтожлик, сабр-қаноат ҳам эви билан-да. Ҳар ишнинг мезона бўлиши керак! — бир лаҳза сукутдан кейин тағин давом этди йигит, — ишчилар ҳуқуқимизни ўз қўлимизга оламиз, деб қаҳқаҳий ҳуррият талаб қила бошлаганлар. иш саккиз соат бўлсин деган талаб билан Петроградга хат ёзганлар эмиш. Бундай хуш гаплар бизнинг кўнгилимизни қабартиради. Ахир биз батраклар жалада, қорда, совуқда ўн икки соатлаб тер қуйиб меҳнат қиламиз! Қўйингчи, сийнамиз ғамдан қон бўлиб кетди...

Умарали узоқ сўзлади, халқ ғурбатига доир кўп гапларни айтди, устолар жамияти, ишчилар жамияти каби меҳнаткаш халқнинг орзуистаклари учун курашадиган ташкилотлар тузилаётгани ҳақида сўзлади:

— Рафиқлар, бош аждоҳо Николайдан халос бўлганимизга минг қатла шукур, эндиликда ҳарб даҳшатидан қутулсак, айни муддао бўлурди. Ишчилар гафлатдаги фуқарога раҳнамо бўлса, дардимизга даво топилгуси шекилли, ташкилотларда ажойиб бир сир бор, чамамда, — илиқ табассум ила дўстларига тикилди, — ижозат бергайсиз кетишга, жиндай иш бор эди, — Умарали қўзғолди жойидан.

Йигитлар кўл қовуштириб, чуқур таъзим ила Умарали билан хайрлашдилар.

Умарали мадрасага келганда қош қорайган, кеч тушиб қолган эди. Ейдиган ҳеч нима йўқ. Ҳужранинг бурчагида кичик халтада бир сиқим гуруч, на ёғ бор, на гўшт! Қорин оч, лекин дили ғамга тўлган Умарали паришон ҳолда юпқа пўстак устига ҳорғин ўтирар экан, эшик ғарч этиб очилди. Қўшни ҳужрадан Кўзи махсум кириб келди. Ўн тўрт йилдан буён мадраса тупроғини ялаб ётган бу талаба сочлари мошкичирилганган, кўзлари хиралашган, чўтирнамо киши эди. Умаралининг авзойи бузуқлигини пайқаган эди:

— Кўринмадингиз, қандай беҳуда ишлар билан дайдиб юрибсиз? — сўради пичинг билан пўнғиллаб махсум.

Истамасдангина, ишим бор эди, тирикчиликда, деб совуқ жавоб берди Умарали.

Махсумнинг жаҳли чиққан эди, хўмрайиб Умаралига разм солди, бурчакда ётган халтани солмоқлади:

— Гуруч оз-ку, нима қиламиз, ёғ йўқми?— токчаларга кўз югуртиб тихирлик билан сўради Кўзи махсум.

— Томчи мой йўқ, ялаб овора бўлманг,— қўполгина кесди махсумни Умарали.

— Тутоқманг, милла Умар! Менда тўртта мош бор, кифоя. Қўшнилардан зигирдай ёғ топурманда, қулинг ўргулсин мошкичири қилурмиз, — деди махсум лабини ялаб.

— Гўштнинг чораси қандай бўлади? — сўради Умарали бир оз юмшалиб.

— Қани эди жиндай гўшт бўлса, ошнинг таъми гўшт билан, деб ҳаққа-рост айтганлар, гўштнинг хосияти зўр, аммо хотиржам. дўстим, шу тобда гўшт деб алаҳсирашнинг даркори йўқ, бегўшт ҳам баҳузур томоғимиздан ўтар, — деди қошини чимириб заҳарханда билан Махсум. Кейин мамнун ҳолда халтани кўтараб чиқиб кетди.

Умарали қаттиқ хафа, пўстакка чўзилди. Севги, ҳижрон, кин азоби юрагини ёқар ва кемирар эди...

(Давоми бор).

*) Давоми, боши газетанинг 1964 йил, 30 декабрь сонида.

ШОФЕРЛАР МУСОБАҚАСИ

Ленинград районидаги Энгельс номли колхозда далага маҳаллий ўғит чиқариш жадал давом эттирилмоқда. Бу ишда қатнашаётган 37 та юк автомашинаси шоферлари ўзаро мусобақалашиб, яхши натижаларга эришмоқдалар.

Шофер ва прицепчилардан Алихон Тешабоев, Акбарали Аҳмедов, Муҳаммаджон Алимов, Аъзамжон Юнусов ва бошқалар ҳар куни 7-8 тоннадан ғўнг ташиб, бошқаларга ўрнак бўляптилар.

Колхоз бўйича ҳозиргача 7 минг тоннадан ортиқроқ маҳаллий ўғит дала бошига чиқарилди.

Б. ЗИЕДҚУЗИЕВ,
Фарғона области.

Илғорлар тажрибаси тўғрисида газета ва журналларда босилаётган материалларни системали равишда ўқиб бориш Қашқадарёдаги «Нишон» давлат наслчилик заводи коллективи учун одат тусига кириб қолган. Суратда: завод директори Н. Бадалбоев (чапда) ва бош зоотехниги С. Назаров ўртоқлар чорва қишловига оид материални ўқиб фикрлашмоқдалар.

И. Глауберзон фотоси.

ШЎР ЎРНИДА ДУР

Сарижўға массивида яқингача гиёҳ битмаси. Илк баҳорда энди ниш уриб чиққан майсаларнинг шўр шўрини қуритарди.

Марҳаматликлар бу массивни фақат афсус билан тилга олардилар. Сарижўға баракаси учган, табиат ўғайлаган ер, дейишар эди улар. Аммо бу массивга ҳам инсон қадами етди-да, шўр ўрнида дур унадиган бўлди. Албатта, бу осонлик билан бўлмади. Дастлабки вақтларда Сарижўғага катта гап билан келиб, шўрнинг «хуружи»га тоб беролмай, ўзларининг «иссиқ жойлари»га қайтиб кетганлар ҳам бўлди.

Лекин чўлга ҳужум тўхтамади. Райондаги Карл Маркс номли, «Коммунизм», «Правда Востока», Ленин номли, «Социализм» колхозларидан чиққан қўнгилли азаматлар Сарижўға массивига «арслон изидан, йигит сўзидан қайтмас» деган аҳди-паймон билан келдилар. Айниқса «Партия XX съезди» колхозининг машҳур механизатори, СССР Олий Советининг депутати Маннон Жалолов бошлиқ бир группа ёшларнинг чўл сари отланиши бошқаларга далда бўлди.

Ердан, ҳосилдан умиди бор деҳқон, аввало, шўрни йўқотишни ўйлайди. Ўртоқ Жалолов бригадаси ишни худди шундан бошлади. 75 гектар майдонда поллар олиниб, ер кичик-кичик бўлакчаларга бўлинди, сув қўйилди. Қўйилган сувнинг ҳаммаси четга оқизилмай, ерга тўлиқ сингдирилди. Шу таҳлитда ўтган йилнинг декабрь ойида ернинг шўри уч марта ювилди.

Бригадада чигит экишдан тортиб то йиғим-теримгача бўлган ҳамма тадбирлар агротехника қоидалари асосида ўтказилди. Ғўза узунасига 5 марта, кўндалангига 3,5 марта парварриш қилинди. Уч марта қондириб суғорилди. Вақтида озиқлантирилди. Бу ишларнинг ҳаммасига Маннон Жалоловнинг ўзи бошқош бўлди. Устоздан таълим олган ёш механизаторлар Қодиржон Абдураҳмонов, Аҳмаджон Мамажонов, Йўлдош Қурбонов ўртоқлар ҳам бригадир билан ёнма-ён туриб ишлашди. Деярли ҳамма ишлар механизация воситасида бажарилди.

Астойдил қилинган меҳнатнинг натижаси кутилгандан ҳам ортиқ бўлди. Ҳар гектар ердан пландаги 15 ўрнига 28 центнердан ҳосил олиниб, пахта тайёрлаш плани 185 процент бажарилди. Ҳосилнинг деярли ҳаммаси машиналар билан йиғиб олинди.

Бу, бир томондан, маҳсулот таннархини янада арзонлаштирган бўлса, иккинчи томондан, пахта йиғим-теримини барвақтроқ тугаллаш имконини берди. Бир центнер пахтанинг таннархи 10,5 сўмга тўғри келди. Бир иш кунига 8 сўм тўғри келди. Энг яхши ишловчининг ойлик иш ҳақи эса 180 сўмгача борди. Бригада аъзолари пахта йиғим-теримини колхозда биринчи бўлиб 21 иш кунида тамомлаб, келгуси йил ҳосилига замин яратишга киришдилар.

— Ерларимиз ўта шўр,—дейди Маннон Жалолов. — Мен Мирзачўлда ҳам бир неча марта бўлганман. У ерларни бизникига қараганда шўр демаса бўлади. Бизда кимнинг қанча ҳосил олиши, аввало, шўрни қай даражада енгишига боғлиқ. Бригадамиз аъзолари буни яхши билишади.

Бригадамизда шўрга қарши кураш ерни шудгорлашдан бошланади. Ерни 28-30 сантиметр чуқурликда шудгор қилиш агротехникаси бизнинг шароитимизга тўғри келмайди. Ерларимизни 35-40 сантиметр чуқурликда ҳайдамасак, шўр яхши ювилмайди. Шудгорлашдан олдин ерга ўғит солиш ҳам бизнинг шароитимизга мос эмас. Фақат ернинг шўри яхшилаб ювилгандан кейингина ўғитга навбат келади. Бу йил ҳам худди шу тартибда иш қилмоқдамиз. Барча экин майдонимизни ноябрнинг ўрталаридаёқ чуқур ҳайдадик. Ҳаво совиб, шўр ернинг бетига уриши билан шўр ювишга киришдик. Ҳар йилгидек, биринчи навбатда пуллар олиниб, ерлар бир сотихлик бўлакчаларга бўлинди. Ерларга декабрнинг биринчи ўн кунлигида бир марта, 15 дан 20 декабргача иккинчи марта сув қуйдик. Ҳозир эса ернинг шўрини учинчи марта юваётирмиз.

Қишда қўйилган сув фақат шўрни йўқотишдан ташқари, у тупроқнинг пастки қатламига ўтади ва ер қаттиқ музлайди. Бу эса тупроқда қишлаётган ҳар хил зараркунандаларни йўқотади. Бунинг устига ер қиш бўйи намга роса тўйиб чиқиб, айни ёзда сув таниқис бўлган пайтда ғўзалар ҳадеб чанқайвермайди.

Келгуси йил режаларимиз янада катта. Ҳосилдорликни камида 30 центнерга етказамиз, таннархни тағин ҳам арзонлаштирамиз, деган ниятдамиз. Ҳаракатимиз ҳам шунга яраша.

Ҳа, ҳаракатда баракат деганлар. Яхши ният билан меҳнат қилаётган деҳқонга ҳамиша зафар ёр бўлади.

Ш. СИДДИҚОВ.

КУНИГА 400 ГЕКТАР

Бухоро бошқармаси бир неча йилдан буён пахта тайёрлаш планини бажармасдан келар эди. Колхозчиларнинг ва механизаторларнинг фидокорона меҳнати туфайли, партия ва совет ташкилотларининг колхозларга ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилишлари натижасида бу йил қолоқлик тугатилди, бошқарма пахта тайёрлаш йиллик планини муваффақиятли бажарди. Давлатга 55 минг 100 тонна «оқ олтин» етказиб берилди.

Кузги-қишки тадбирларнинг пухта амалга оширилганлиги пахта етиштиришни кўпайтиришда, унинг эрта пишиб етилишини таъминлашда катта роль ўйнади. Асосий пахта майдони ўтган йили кузда чуқур шудгорлашдан чиқарилган эди. Ерларга яхоб берилди ва шўри яхшилаб ювилди.

Бу йил ана шундай қилинмоқда. Ҳозир дала ишлари конвейер усулда олиб бориляпти. Ҳосили тўла йиғиштириб олинган майдончар ғўзапоядан тозаланиб, чуқур шудгор қилинаётир. Далаларда 40 дан ортиқ ҳайдов трактори кеча-кундуз унумли ишламоқда. Бу тракторлар билан кунига 400 гектарга яқин ер ҳайдаляпти. Ҳозиргача 3,5 минг гектар пахтазор шудгорланди.

Колхозларда шудгорлашни тезда тамомлаш учун ҳамма имкониятлар ишга солинмоқда.

М. БАҚОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МОҲИР САНЪАТКОР

Сантъаткорнинг саҳнада яратган ҳар бир образи мукаммал бадиий асар саҳифаларидай томошабинга оламолам маънавий бойлик бахш этади. Шунинг учун ҳам санъаткор деган ном ғоят шарафли ва масъулиятлидир.

Жамол Низомхўжаев томошабин қалбига ўт сола олган моҳир санъаткорларимизнинг биридир. Унинг булоқдай қайнаб турган таланти бундан 25 йил муқаддам халқ афсонаси «Фарҳод ва Ширин» асари саҳнага қўйилганида қалдиргочдек қанот ёзган эди. Мард, вафодор, ҳақиқий муҳаббат, чин инсон сиймоси — Фарҳод ролини ижро этган ёш йигит Жамолхон Низомхўжаев эди.

Маълумки, опера жанри театр санъатида энг мураккаб жанрлардан ҳисобланади. Артистдан ашулани тўғри ижро этишгина эмас, балки ашула орқали образнинг ҳис-туйғуларини, мақсадини ифодалаш талаб этилади. Бизнинг опера санъатимиз Карим Зокиров, Ҳалима Носирова, Саттор Ярашев, Саодат Қобилова, Насим Ҳошимов каби талантли солистларга эга. Жамол Низомхўжаев ҳам яратган қатор образлари, ёқимли ариялари билан опера шинавандаларининг ҳурматини қозонди. Артистнинг ижрочилик санъати ўзининг жозибадорлиги, ички ҳис-туйғулари ва лирик нечинмаларнинг чуқур очилиши билан ажралиб туради. Катта ижодий имкониятларга эга бўлган артист ўзининг лирик-драматик баритон овози билан бир-бирига эзд характердаги қатор партияларни муваффақиятли ижро эта олди. Унинг А. Навоий номидаги опера ва балет театри саҳнасида яратган образларини характерига кўра икки гурухга бўлиш мумкин. Унинг ижросидаги Фарҳод, Навфал иродали, жасур қаҳрамонлар сифатида гавдаланса, Қоработир, Ҳожидарга, вазир Ардашер образлари иродасиз ва пасткаш, шафқатсиз, беномус кишилар сифатида ифодаланади. Масалан, вазир Ардашер образини олиб кўрайлик. Амалпараст вазир шоҳликни эгаллаш ниятида Дилоромга нўзнга заҳар тўлдирилган узук тутқазади. У ўлим талвасасида шоҳ тожига интилади. Қотиллиқдан ҳам қайтмайди. Артист Ж. Низомхўжаев вазир дилидаги қабиҳ ниятларни маҳорат билан бера билган. У ижро этган Қайс, Мади («Лайли ва Мажнун»), Шодмон («Ҳамза»), Ниёзматбек («Шоир қалби»), Жунаидхон («Хоразм қўшиғи»), Бўрон («Бўрон»), Иброҳим («Гулсара») партиялари ҳам томошабинларни тўлқинлантира олди.

Жамол Низомхўжаев рус ва Европа классик операларида ҳам нўпгина партияларни маҳорат билан ижро этди. Қатор спектакларда артист ўз овозининг интонацион силлиқлиги билан томошабинларни мафтун қилди. Бизнинг «Марварид қидирувчилар» операсидаги Зурга образи Жамол Низомхўжаев талқинида жуда жонли чиққан. У ўз қаҳрамонининг фожиасини, олижаноб, инсоний туйғуларини, кишиларга бўлган садоқатини ҳам вокал, ҳам саҳна маҳорати жиҳатдан усталик билан ифодалади. Зурга — томошабин хотирасида узоқ сақланадиган образ бўлиб қолди.

Артист чорак асрдан буён санъат шинавандаларини мамнун қилиб келаётир. У опера ариялариниигина эмас, халқ қўшиқларининг, классик мақомларнинг ҳам уста ижрочисидир. Унинг концерт программасидаги «Лайлодан ортиқсан», «Кўзинг», «Баёт 5», «Дуғоҳ», «Ассалом», «Йигит қўшиғи» ашулаларини халқимиз севиб тинглайди.

Талантли артист ўзининг ҳаёт йўлига назар ташлар экан, унинг ижодий камолга эришувида яқиндан кўмакдош бўлган устозлари Мухтор Ашрафий, Сайфи қори Алимов, Музаффар Муҳаммедов, Ҳалима Носироваларнинг номларини ҳурмат билан тилга олади. Эндиликда у санъат соҳасидаги билим ва тажрибаларини ёшларга эринмай ўргатаётир.

Партия ва ҳукуматимиз Ж. Низомхўжаевнинг санъат соҳасидаги баракали хизматларини тақдирлаб, унга «Ўзбекистон ССР халқ артисти» деган фахрий унвон берди. Биз моҳир санъаткор ижодида янада барнамоллик тилаймиз.

Эътибор ОХУНОВА.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЯНГИЛИКЛАРИ

УРГА ПОСЁЛКАСИДА ТЕЛЕФОН

Орол денгизи бўйидаги Урга посёлкаси телефонлаштирилди. Қорақалпоғистоннинг энг узоқ посёлкасида яшаётган аҳоли биринчи марта республика маркази Нукус ва ҳўшни Хива шаҳарлари билан телефонда сўзлашмоқда.

КЕКСА БАЛИҚЧИ

Ойтеша Жармаровни Амударё балиқчилари яхши билади. У ҳозир 65 ёшда. Кекса балиқчи балиқ ушлаш йиллик планини 175 процент бажариб, ҳаммага намуна бўлди.

УРМОН ПИТОМНИГИ

Қорақалпоғистондаги ўрмонзорлар питомниги йил сайин кенгайиб бормоқда. Ҳозир питомник 40 гектар жойни эгаллади. Ботаниклар қайин, акация, бояриш каби манзарали дарахт уруғларини ва кўчатларини кўплаб экмоқдалар.

И. МАДГАЗИН.

ЛАВҲА

МУБОРАКБОД

Раҳимжон ёшлигиданоқ механизаторликка кўнгил қўйган эди. Еттинчи синфни битирганидан кейин даладан — Ҳошимжон аканинг ёнидан нари кетмай қўйди. Сув деса куйиб-пишиб ташиб берди. Ричакни ушла деса эпчиллик билан бошқарди. Трактор тўхтади демагунча қўлида латта: трактор қисмларини артиб, янгидай қилиб қўяр эди.

«Тиришган тоғдан ошар, ўз бахтига йўл очар», дейилади халқ мақлида. Раҳимжон орадан кўп вақт ўтмай ҳайдов. чопиқ тракторларининг мириқиб сиригача мукаммал билиб олди.

Ҳа, унинг биринчи марта техника рулини бошқарганида қўрсангиз, ўшандаёқ бу боладан ажойиб механизатор чиқишига ишончингиз комил бўлар эди.

— Ҳали-ҳали эсимда, — дейди кекса бригадир Абдуқодир ота, — кеч кузда ер ҳайдаётган эдик. Ярим кечагача у билан бирга бўлдим. Икки гектарча ер қолганида «Сиз кетаверинг, ўзим ҳайдаб қўяман» деди. Мен қайтдим. Эрталаб борсам, ер ҳайдалган, трактор шийпон олдида турибди. Ўзидан дарак йўқ. Бир вақт қарасам, ғўзапоя ғарами устидан тушиб келяпти.

— Иссиқ шийпон турганда...

— Юлдузларга тикилиб ҳордиқ чиқаришнинг ҳам ўзгача гашти бўлар экан, — деди у кулиб. — Юлдузлар кўз қисишаверибми, ухлатиб қўйишибди. Мазза туш кўрибманда-е.

— Қани, эшитайлик-чи?

— Пахтазорда аллақандай машинани бошқараётган эмишман. Шу машина чаноқлардаги пахтани хўплаб бораётган эмиш. Бу қанақаси бўлди? Ҳали пахтани ҳам машина териб берса-я!

— Тинчлик бўлса, ҳали кўп янгиликларни кўрамиз...

Кутилмаганда Улуғ Ватан уруши бошланиб кетди. Тинч хаётимиз бузилди. Раҳимжон Ёқубов трактор рулини жанг қуролига алмаштириб, кўп қатори фронтга жўнади.

1942 йил. Бутун фронт бўйлаб шиддатли жанглар бормоқда. Раҳимжон ҳам ўз миномётидан душман устига ажал ўтини ёғдирди. Немисларга қарши мардларча курашиб, қанчадан-қанча йўлларни босиб ўтмади, дейсиз.

Ана шундай жангларнинг бирида Раҳимжон қаттиқ яраланди. Ҳа, у душманга қарши ўт очиб турганида ёнида даҳшат билан портлаган снаряд навқирон йигитнинг икки оёғини ҳам юлиб кетди...

Поезд Шарққа шошмоқда. Раҳимжон қишлоғи, эли ва севимли ёри олдига қайтар эди. Қайтар эди-ю, Берлингача бориб, душманни ўз уясида мажақлаб ташламаганига афсусланарди.

Раҳимжон ўзи туғилиб ўсган области тупроғига кириб борар экан, хаёл дарёсига ғарқ бўлди: «Бир оёғим протезда, иккинчиси—тиззадан юқорисигача йўқ. Икки ёнимда қўлтиқ таёқ. Кимга керагим бор, дея афсусланар, тақдиридан куйиб-ёнар эди. — Бу аҳволда оилам ҳам бир йил, бориг, икки йил боқар, кейинчи...» Қўлларини мушт қилиб у лаънатлар ўқир эди урушга.

Станцияга келиб тушди-ю, боши осмонга етди. Кўнгли тоғдай кўтарилди. Госпиталдан телеграмма олган хотини, ҳамма ҳамқишлоқлари уни қучоқ очиб кутиб туришарди. Элнинг, оилнинг меҳрибонлиги, ҳаёт ишқи маъноний куч берди унга. Кунлар ўтиши билан далага чиқди.

Душманга шу ердан туриб ҳам зарба берса бўлади. Пахтамиз қанча кўп, фронт орқаси қанчалик мустаҳкам бўлса, душмангга зарба шунчалик кучли бўлади. Юрагида шу орзу жўш урар эди.

Раиснинг қўнмаганига қарамай, қўлтиқ таёқларини биқинига қўйиб, универсал трактори тепасига чиқди. Протез оёғи билан педални босди. Қош қорайгунча трактордан тушмади. Фашистлар уни икки оёғидан ажратган бўлса ҳам, қалбидан ажрата олмаган эди. Меҳнат қилса бўлаверар экан. У бошқарган универсал овози колхоз даласида бетинем гуруллади.

Ўшандан буён дарёлардан қанча сувлар оқиб, кунни ой, ойни йиллар қувиб ўтди. Сабртоқатли, матонатли, мустаҳкам иродали Раҳимжон Ёқубов ҳозир Фарғона область, Охунбобоев районидаги «Коммуна» колхозида инженер бўлиб ишламоқда. Қалбида ҳаёт ишқи, кўкрагида Ленин ордени, Қизил Юлдуз ордени порлаб турибди.

Йилнинг қувончли якунлари ҳақида колхоз раиси билан гаплашиб ўтирардик. Гап техникага келганда, раис Раҳимжон Ёқубовнинг пахтачиликка механизацияни кенг жорий этиш соҳасидаги ажойиб хизматлари тўғрисида қувониб сўзлади:

— Бу йил 1402 гектар ернинг ҳар гектаридан 25,6 центнердан ҳосил олган бўлсак, бунда техниканинг мадади, шу техникани яхши ишлата билган колхоз инженери Раҳимжон Ёқубовнинг хизматлари беҳаҳодир, — деди раис фахр билан.

Дарвоқе шундай! Хўжаликдаги 41 та трактор кучидан самарали фойдаланилди, ер ҳайдаш, чигит экишдан тортиб, ғўза парвариши-ю, ҳосил йиғим-теримигача бўлган ишларнинг қарийб ҳаммаси машиналар билан бажариларди. Бу йил далаларда 9 та «ХВС-1,2» пахта терди. Шу кунларда келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин ҳозирланмоқда. 12 та ҳайдов трактори бетинем гуруллаяпти. Тиловолди Тўйчиев, Солиҳўжа Холматов, Усмонали Умаров каби механизаторларнинг ғайрати туфайли 1.000 гектардан ортиқ ер шудгорлаб қўйилди, 500 гектар майдонга яхоб берилди.

Суҳбатимиз ниҳоясига етиб колганди. Эшикдан қўлтиқ таёқларини дукуллатиб, унинг ўзи ҳам келиб қолди. Биз Раҳимжонни янги унвон билан табрикладик. Унга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан «Республикада хизмат кўрсатган механизатор» унвони берилган эди.

Унвон муборак, Раҳимжон!

Ш. ЗУҲРИДДИНОВ.

3* СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

5 ЯНВАРЬ, 1965 ЙИЛ
№ 2 (12.958).

ОЛАМ ЯНГИЛИКЛАРИ

КУБА РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ ОЛТИ ЙИЛЛИГИ

Ўтган шанба куни Куба халқи ўз революцияси ғалаба қилган кунининг олти йиллигини тантанали нишонлади.

Озодлик оролининг пойтахти шу кун одатдан ташқари барвақт уйғонди. Катта радио карнайлари ўрнатилган машиналар кўчама-кўча юриб, ҳарбий парад ва митинг бўлишини ҳаммага маълум қила бошлади. Гавана байрам либоси кийиб ясанди. Заводлар ва фабрикаларнинг, мактаблар ва уйларнинг биноларига осилган алвонларга «Яшасин революциянинг олти йиллиги» деган шиорлар катта ҳарфлар билан ёзилган эди.

Пойтахтнинг юз мингдаб меҳнаткашлари тайинланган вақтдан анча олдин Революция майдонига ва унинг атрофидаги кўчаларга тўплана бошлади. Миллий қаҳрамон Хосе Марти монументи олдидаги минбарга чет эллардан келган меҳмонлар, Куба жамоатчилигининг намояндалари йиғилишди. Социалистик революция бирлашган партияси Миллий раҳбарлигининг биринчи секретари, Куба Республикаси революцион ҳукуматининг бош министри Фидель Кастро ва республика президенти Освальдо Дортикос, Социалистик революция бирлашган партияси Миллий раҳбарлигининг аъзолари, министрлар, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари ҳукумат минбарига чиқадилар. Майдонда гулдурос овация янграйди.

Парад қўмондони қўшинлар тайёр эканлиги тўғрисида революцион қуролли кучлар олий бош қўмондони Фидель Кастрога рапорт бериб, парадни бошлаш тўғрисида рухсат олади.

Ҳарбий ўқув юртларининг курсантлари, давлат хавфсизлиги қўшинларининг бўлинмалари, халқ милицияси колонналари бир текисда қадам ташлаб, минбарлар олдидан ўтадилар. Куба қуролли кучларининг реактив самолётлари минбарлар тепасида ғизиллаб учиб ўтади. Зенит артиллериясининг ва танкка қарши курашувчи артиллериянинг бўлинмалари, бронетанк қўшинлари ва соҳил мудофаси қўшинларининг ракеталар билан қуролланган қисмлари майдондан ўтиб боради.

Парддан сўнг бўлган митингда Фидель Кастро нутқ сўзлади. У ўтган йилнинг якунларидан ўзининг мамнун бўлганлигини билдириб, Куба экономикаси 1964 йилда бутун халқнинг диққат марказида турганлигини, унинг бир қанча тармоқларида катта муваффақиятлар қўлга киритилганлигини айтиб ўтди. Фидель Кастро ўз нутқининг анча қисмини қанд ишлаб чиқаришни кўпайтириш проблемаларига, шунингдек бюрократизмга қарши кураш масалаларига бағишлади.

Бош министр Кубанинг халқаро аҳволига тўхталиб, империалистларнинг, Куба социалистик лагеридан чекинади, деган умидларини масхара қилди ва Куба социализм мамлакатлари билан ҳамиша бирдам, деб яна бир марта таъкидлади.

Фидель Кастро ўз нутқининг охирида, 1965 йил «қишлоқ хўжалиги йили бўлади», деди. (ТАСС).

Сурияда янги декретлар

Сурия президентлик кенгаши тўқимачилик фабрикалари, қанд заводлари, нефть корхоналарига хўжайинлик қилаётган 107 та компанияни национализация қилиш тўғрисида якшанба куни бир қанча декретлар чиқарди. Шу декретларга мувофиқ, мазкур компаниялар мулкининг 90 проценти давлатники ва 10 проценти шу компаниялар собиқ эгаларинки бўлиб қолади.

Шу кунларда мактаб ўқувчиларининг шодлиги чексиз. Чунки улар қишки дам олиш кунларини мароқли ўтказишяпти. Оржоникидзе районидаги «Қизил Узбекистон» колхози мактаб-интернатининг тарбияланувчилари ҳам каникул кунларини хушчаҳчаҳ ўтказишмоқда. Суратда: ўқувчилар арча атрофида Қор қиз билан ўйинга тушишяпти.

И. Глауберзон фотоси.

КЎКЛАМДЕК ЯШНАР АРЧА

Пионерлар уйида
Кўкламдек яшнар арча.
Лампочкалар нурида
Учқунланар зар парча.

Салом арча, янги йил,
Бахтнёрлар байрами
Космосларга йўл очган,
Фазокорлар байрами.

Кулиб боққан арчада
Акс этади пахтазор.
Шўх булбуллар сайрашар,
Гул ёзади чаманзор.

Ой, юлдузлар қўйнида
Ярқирайди арчамиз,
Атрофида айланар,
Ер йўлдоши — шарчамиз.

Кенг даврада бизлар дўст,
Бахтимизни ўйлаймиз.
Раҳмат сенга Партия,
Бахтимизни куйлаймиз.

Рўзимат ДАМИНОВ.

БИРМАНИНГ ИСТИҚБОЛИ

(БИРМА МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАНЛИГИНИНГ 17 ЙИЛЛИГИГА ДОИР)

1948 йил 4 январь кунини ҳар бир бирмалик ўз ҳаётидаги энг тантанали кун деб ҳисоблайди. Зотан у ўз мамлакатини ана шу куни Британия империализмидан халос қилди ва янги ҳаёт қуриш йўлига тушиб олган яна бир мустақил давлатнинг жаҳон харитасига киритилишига мушарраф бўлди.

Бирма мустақилликка эришганидан буён ўтган ана шу йиллар ичида мустаҳкамлана бориб, тинчлик ва халқлар ўртасида ҳамкорлик учун курашаётган давлатлар орасидан муносиб ўрин олди.

Бирма Англия капитализмидан озод қилинмасдан илгари жаҳоннинг энг қолоқ мамлакатларидан бири саналар эди. Мустамлакачилар ҳозирги мустақил Бирмага чиндан ҳам оғир мерос қолдирган эдилар: Мамлакат саноати вайронгарчиликка учраган, унинг нефть ва кўмир конлари издан чиққан, қишлоқ хўжалиги ва хусусан, асосий озиқ-овқат экини бўлган шоли етиштириш ҳалокат ёқасига келиб қолган эди.

Империалистлар мамлакатда аҳволнинг ана шундай мушкуллашиб кетганлигидан фойдаланиб, Бирманинг ички ишларига аралашишга, унга сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий тазйиқ ўтказишга бир неча марталаб уринди кўрдилар. Улар Бирма давлатини парчалаб ташлашга ҳаракат қилаётган реакцион қабила бошлиқларини қувватлаб келдилар.

Бироқ, озодликка эришган Бирма халқи қаҳрамонона кураши натижасида ўз мустақиллигини сақлаб қолишга ва янги мустамлакачиларнинг манфур тузоқларини парчалаб ташлашга муваффақ бўлди. Мустамлакачиларнинг хўжайинлиги орқасида Бирмага қолган оғир мерос халқнинг қаҳрамонона меҳнати туфайли тугатилди ва Бирма ўзининг миллий экономикасини юксалтиришда дастлабки ғалабаларни қўлга киритди. Республика халқ хўжалиги қаддини ростлаб олди, транспорт тикланди. Халқ хўжалигининг экспорт қилувчи асосий тармоқларидан бири — ўрмончилик саноатида ишлаб чиқариш кескин суратда кўпайди ва унинг экономикаси анча ривож топди. Бирма давлати транспорт, алоқа почтанинг ҳамма турларини, барча электростанцияларни, бир қанча саноат корхоналарини ўз қўлига олди. Ташқи савдо монополияси ўрнатилди.

Ҳукумат экономикада мустамлакачилик структурасини тугатиш учун шошилинч чоралар кўрди, мустамлака Бирма ўтмишда эга бўлмаган бир қанча саноат тармоқларини барпо қилди. Мамлакат озод бўлганига қадар Бирма етиштирган пахтанинг ҳаммаси мамлакатдан ташқарида қайта ишланиб келган бўлса, эндиликда унинг 4 та замонавий тўқимачилик фабрикаларидан иборат ўз тўқимачилик саноати бор. Оғир саноат ҳам бирмунча ривожланди. Бирма металлургия саноатининг қалдирғочи—стан-прокат заводи маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Фармацевтика комбинати ва олтингугурт кислотаси ишлаб чиқарувчи завод барпо этилиши билан миллий химия саноати ривожлана бошлади.

Бирма аграр мамлакат бўлиб, ундаги 21 миллионли аҳолининг 80 проценти қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади. Гарчи ердан фойдаланиш масаласи ҳали асосли равишда ҳал этилмаган бўлса ҳам республика ҳукумати Бирма қишлоғини юксалтириш ишларига астойдил киришди. Ҳукумат деҳқонларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида қонун қабул қилди. Мамлакатнинг ҳамма бурчакларида кооперативлар тузилмоқда.

Халқ маорифини ривожлантиришга жуда катта эътибор бериляпти. Мамлакат мустақил бўлганидан буён ўтган йиллар ичида Бирмада мактаб ўқувчилари сони 5 баравар кўпайди. Юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсади билан мамлакатда ўнлаб техника колледжлари, профессионал мактаблар ва 3 та олий ўқув юрти ташкил этилди. Совет Иттифоқи миллий кадрлар тайёрлашда Бирмага катта ёрдам кўрсатмоқда.

1962 йил мартида Революцион Кенгашнинг ҳокимият тепасига келганлиги Бирма ҳаётида катта воқеа бўлди. Бирма Революцион Кенгаши таниқли давлат генерали Не Вин бошчилигида ҳукумат тузди. Революцион Кенгаш «Бирманинг социализмга борниш йўли» декларациясини қабул қилди.

Бирманинг кенг халқ оммаси ана шу программанинг қабул қилиннишини яқдиллик билан маъқуллаб кутиб олди ва уни амалга оширишга қатъий бел боғлади. Чет эл монополияларининг мамлакатдаги ҳукмронлигига қақшатқич зарба берилди.

Совет Узбекистони меҳнаткашлари дўст—Бирма Иттифоқи халқини унинг миллий байрами кунида қизғин табриклаб, эрксевар ва талантли Бирма халқига ўз мустақил давлатини янада равнақ топтириши йўлида жуда катта муваффақиятлар тилайдилар.

Г. СОЛИҲОВ.

ПЛАНЕТАНИНГ ҲАММА ТОМОНИДАН

ЧЕХОСЛОВАКИЯ

Чехословакия озод қилинганлигининг 20 йиллик юбилейи ўтказиладиган йилга қадам қўйган корхоналарнинг коллективлари биринчи кунларданоқ ишни яхши меҳнат қилиш билан бошладилар. План топшириқлари муваффақиятли бажарилаётганлиги тўғрисида мамлакатнинг ҳамма томонидан хабарлар келмоқда. Остравадаги К. Готвальд номига қўйилган Кунчица комбинатининг металлургия янги йилнинг биринчи иш кунида пландан ташқари 440 тонна чўян, юз тонналаб пўлат ва прокат тайёрлаб бердилар. Шарқий Словакия металлургия комбинатининг меҳнаткашлари пландан ташқари ишлаб чиқарилган юпқа пўлатнинг бир неча вагонини машинасозлик заводларига юбордилар. Жанубий Моравиядаги янги «Дукла» шахтаси биринчи кўмир бера бошлади.

РУМИНИЯ

Янги йилнинг биринчи соатлариданоқ Руминиянинг кўп корхоналарида план топшириқларини ошириб бажариш учун кураш бошланиб кетди. Дастлабки икки кун ичида Решица металлургия комбинатида пландан ташқари 100 тонна пўлат ва 130 тонна чўян эритиб берилди. Фэгэраш комбинатининг химиклари янги йилнинг биринчи кунидаёқ пландан ташқари бир тоннага яқин фенол ишлаб чиқардилар.

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ

Халқ вакиллари учинчи чақириқ Умум Хитой мажлиси биринчи сессиясининг якшанба куни бўлган мажлисида Лю Шао-ци Хитой Халқ Республикасининг раиси қилиб сайланди. Сун Цин-лин ва Дун Би-у Хитой Халқ Республикаси раисининг ўринбосарлари қилиниб сайландилар. Чжу Дэ Халқ вакиллари Умум Хитой мажлиси доимий комитетининг раиси қилиниб сайланди. Раис Лю Шао-цининг тавсиясига биноан Чжоу Энь-лай Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг бош министри қилиб тайинланди.

МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ

«Монголия халқи ўтган йилларда бўлгани каби 1965 йилда ҳам тинчлик ва социализм иши учун тинмай кураша беради»,— деб ёзади «Унэн» газетаси. Монголия халқи, деб ёзади газета, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан қардошларча дўстликни ва ҳар томонлама ҳамкорликни оғишмай мустаҳкамлаш учун, социалистик лагердаги ҳамма мамлакатларнинг ҳамда халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлигини ва жипслигини бузилмас марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми негизида мустаҳкамлаш учун ҳормай-толмай кураша беради.

ФИНЛЯНДИЯ

Финляндияга мустақиллик берилганлиги Совет давлатининг асосчиси улуғ Ленин номи билан боғланган. Улуғ Ленин Финляндиянинг бир қанча шаҳарларида, шу жумладан Хельсиннида неча марталаб бўлган. Шу муносабат билан Финляндия пойтахтининг муниципалитети Владимир Ильич хотирасини абадийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Шаҳар идорасига бу хусусдаги таклифни ишлаб чиқиш ва тақдим этиш таклиф қилинди. Революция йўлбошчиси Хельсинкига борган вақтида яшаган хусусий квартиралардан тўрттаси маълум. Шу уйлардан бирига ёдгорлик лавҳаси ўрнатишга қарор қилинди.

ИСПАНИЯ

Мадриддаги Карабанчель тюрьмасининг маҳбусларидан саккиз киши, шу жумладан Испания Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Сандоваль Морис ва шоир Карлос Альварес Крус «Интернационал» қўшигини айтганликлари учун карцерга қамаб қўйилганларидан кейин 25 декабрда очлик эълон қилган эдилар. Бу сиёсий маҳбусларни карцердан чиқариш ваъда қилинганидан кейин улар очликни тўхтатдилар.

НИГЕРИЯ

Парламентга ўтказилган сайловлар натижасида Нигерияда ги сиёсий вазият кескинлашди. Нигерия сиёсий партияларининг иккита энг катта блокларидан бири бўлган Бирлашган прогрессив буюк иттифоқнинг чақириғига биноан, 8 миллионга яқин сайловчи сайловларни бойкот қилди. Шундай шароитда парламентдаги ўринларнинг кўпчилигини сиёсий партиялар нинг иккинчи энг катта блоки — Нигерия миллий иттифоқи вакиллари эгалладилар. Ҳозирги бош министр Балева эса шу блокнинг раҳбарларидан биридир. Бирлашган прогрессив буюк иттифоқ раҳбарлари шу ўтказилган сайловларнинг натижаларига асосланиб тузилган ҳеч бир ҳукуматни тан олмаймиз, деб айтишди. Бу блок раҳбарлари шундай позицияда туриб олганлиги мамлакат президенти Азикива учун жуда мураккаб проблемани вужудга келтирди. Конституцияга мувофиқ президент янги ҳукумат тузишни Нигерия миллий иттифоқининг раҳбарига топшириши лозим. Президент бу масаладаги ўз фикрини радио орқали айтиб бермоқчи бўлганлиги эълон қилинди. Баъзи чет эл

ТАСС НИНГ ЧЕТ ЭЛ МУХБИРЛАРИ ЮБОРГАН ХАБАРЛАР

□ □

мухбирлари президент айтмоқчи бўлган гапнинг текстини қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Шу мухбирларнинг хабарларида айтилишича, Азикива қабилаларнинг манфаатларига асосланиб, ҳукумат тузишни топширишдан кўра истеъфо берганим яхшироқ, деб айтмоқчи бўлган. Бироқ, президент радио орқали гапирмади ва унинг бу фикри айтилмай қолди. Радиостанция биносини қўшинлар эгаллаб олди. Бош штаб бошлиғи Азикиванинг резиденциясига келиб, уни ўзининг шу позициясидан қайтишга ва муросага келиш мақсадида сиёсий партияларнинг раҳбарлари билан музокаралар бошлашга кўндирмоқчи бўлди.

КАМЕРУН

СССР Бутуниттифоқ савдо палатасининг делегацияси якшанба куни Яундега келди. Делегация ҳар иккала мамлакат савдосини янада кенгайтириш тўғрисида Камеруннинг савдо-саноат доиралари билан музокаралар олиб боради.

ХАЛҚАРО ТЕМАДА

ЎЗ ЕРИДА ЎЗИ ЎҒРИ

ФЕЛЬЕТОН

Американинг Флорида штатидаги ёзги хусусий мактаб директори, Буюк Британия қироллиги олий ҳазратларининг фуқароси Джон Хок «Киган Авиэйшен лимитед» инглиз авиация фирмасининг бошқарувчиси Майк Киганнинг топшириғига биноан ўз рафиқаси Джин билан бирга «Дов-400» маркали реактив самолётда Флориддадан Англияга уча туриб, Бед форшир (Англия) графлигига тегишли Лутон аэродромига қўнди.

Джон Хок бу саёҳатнинг қимматга тушишини, қутилмаганда можарога сабаб бўлишини қаёқдан билибди дейсиз. У Англияга кета туриб, йўлда Бермуд оролларида бир оз дам олиш ва шундан кейин йўлга равона бўлишни мўлжаллаган эди. У қўнди-ю, фалокатга йўлиқди. Шинам, ромбахш меҳмонхона ўрнига ногаҳон айбдорлар курсисига таклиф этилди. Асло хаёлига келмаган воқеанинг юз бериши саёҳатчини гангитиб қўйди.

...АҚШнинг Бермуд оролларидаги ҳарбий-ҳаво кучлари базаси ҳарбий судининг хонаси. Америка юридик хизмат полковниги тўрда салобат тўкиб ўтирибди. Буюк Британия қироллигининг содиқ фуқароси Джон Хок эса унинг рўпарасида ҳайрон боқиб турибди. Суд раиси унга заррача илтифотсиз, шунинг билан бирга менсимай сўроқ қила бошлади:

— Ўзингизни оқлаш учун қандай далиллар кўрсата оласиз, мистер Хок? Сиз Америка қонун-қоидаларини оёқ ости қилиб, самолётингиз билан бизнинг аэродромимизга қўндингиз. Ваҳолонки сиз қоидага мувофиқ бундан ўттиз кун илгари рухсат олишингиз, хабар қилишингиз шарт эди.

— Ахир мен инглиз тож-тахтига қарашли Бермуд оролларига қўндим-ку. Мен эса Буюк Британиянинг содиқ фуқаросиман. Бунда қандай қоида бузиш юз берди экан?

— Сизнинг Буюк Британия қироллиги билан юридик алоқаларингиз бу ерда бизни мутлақо қизиқтирмайди. Фуқароси бўлсангиз бўлибсизда, борди-келдингизни қилаверинг. Мен бўлсам сизни бошқа бир мамлакат — Қўшма Штатлар номидан айблаяпман. Аэродромимизга рухсатсиз қўнганлигингиз учун сизни 175 доллар жарима тўлашга мажбур этувчи ҳукм чиқараман. Бу сизларнинг пулингиз, яъни Англия пули билан 62 фунт стерлинг бўлади. Лекин бу борада сизга ён босяпман: жаримани ҳоҳлаган пулда — хоҳ долларда, хоҳ фунт стерлингда тўлашингиз мумкин. Кўряпсизми, биз бу ёгини ҳам риояга оламиз.

— Кечирасиз-у, жаноб, учишимдан уч кун илгари Майами шаҳрида авиация назорати маркази билан маслаҳатлашгандим. У ерда менга Бермуд оролларида бемалол қўнишга рухсат беришган эдилар.

— Эй, бу ваъзхонликни қўйинг. Тезроқ 175 долларни тўланг-у, туёғингизни шиқиллатиб қолинг!

— Агар рози бўлмасамчи?

— Сизнинг самолётингиз уч кундан бери қамоқда. Жаримани тўламас экансиз, машинангиз қамоқда тураверади... Гап шунақа.

Бошқа уринишнинг фойдаси йўқлигини билган Джон Хок жаримани тўлади. Бу ерда хотини билан бирга ҳақиқат талаб қилиб ўтиришдан яхшилик чиқмаслигини тушунди.

Лондонда чиқадиган «Санди таймс» газетасининг хабар беришича, «Киган Авиэйшен лимитед» фирмасининг директори жаноб Майк Киган АҚШнинг Лондондаги консулига расмий равишда қатъий норозилик юборган. Консулга жумладан қуйидагиларни ёзди.

«Америкаликлар шу билан бир қаторда Буюк Британия гражданига судья сифатида муносабатда бўлганлар, ноҳақ жарима тулатганлар. Бермуд оролларида — Британия территорияси. Қачондан бери инглизлар ўз ерларига қўнганликлари учун жарима тўлайдиган бўлиб қолдилар?»

«Санди таймс» Америка ҳукмдорлари инглиз фирмаси директорининг норозилик мактубига жавоб бердими ёки бўлмаса назар-эътиборга олмадими, бу ҳақда хабар қилмади. Ҳар ҳолда инглизлар Бермуд оролларини 1609 йилдаёқ босиб олган эдилар. 1620 йилда у ерда парламент тузиб, уни «ўзини ўзи бошқарувчи мустамлака»га айлантирган эдилар. XX аврга келиб америкаликлар оролларнинг катта қисмини ўз ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво базалари учун узоқ муддатга арендага олган эдилар. Оролнинг ана шу қисмини Джон Хок иши бўйича иш юритган судья Американинг ўз суверен территорияси деб ҳисоблайди.

Яқинда Англия премьер-министри Вашингтонда бўлганида АҚШ президентидан Англия фуқароси Джон Хокдан гайри-қонуний ундирилган жаримани қайтариб берилишини сўраганмикин, ундай бўлса америкаликлар яқинда Буюк Британия хазинасининг бутунлай банкрот бўлишидан (синишдан) қутқариб қолди-ку, деган хаёлларга борасиз.

Н. БОРОДИН.
(А П Н).

В. И. УФИМЦЕВ

Узбекистон ССР халқ рассоми Виктор Иванович Уфимцев 1964 йилнинг 31 декабрида вафот этди.

В. И. Уфимцев 1899 йили Жанубий Уралдаги Барневка деган қишлоқда туғилди. 1923 йили ўқув юртини тугатгач, Узбекистонга келади ва то сўнгги нафасигача ўз ижодини республика меҳнаткашларининг ҳаётини тасвирлашга бағишлади.

Тарихий-революцион картиналарнинг ажойиб устаси, жўшқин қалбли рассом В. И. Уфимцев ўз асарларида халқнинг революцион курашини акс эттирди, янги жамият қурилишини улуғлади, гражданлар уруши қаҳрамонларининг ўлмас образларини яратди, кундалик ҳаётимизни куйлади. Унинг «Қаҳрамонона», «Жанговар план», «Ер ҳақида, келажак ҳақида», «1905 йил», «Большевикнинг туғилиши», «Биринчи сафлар» сингари ўлмас картиналари Узбекистон тасвирий санъат фондининг нодир асарлари бўлиб қолади.

Сезгир коммунист, актив жамоатчи В. И. Уфимцев Узбекистонда тасвирий санъатнинг ривожланишига жуда катта ҳисса қўшди. У гўзал ҳаётимизни, ажойиб кишиларимизни чин қалбдан севар ва ўз асарларининг ҳамиша халқчил бўлиши учун интиларди.

Унумли меҳнатлари учун В. И. Уфимцевга 1944 йили республика халқ рассоми унвони берилади, 1951 йили эса у «Ҳурмат Белгиси» ордени билан тақдирланади.

В. И. Уфимцевни яқиндан билган ва таниган кишилар унинг хотирасини ўз ҳаётини ва қалбини санъатга бағишлаган, ажойиб ўртоқ ва моҳир санъаткор сифатида абадий ҳурмат қиладилар.

Бир группа ўртоқлари.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА * ЭЪЛОНЛАР * РЕКЛАМА * ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

5 ЯНВАРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 12.00 — Каникул кунларида. **Янги йил саёҳати**, 12.15— А. Гайдар. **Иссиқ тош** (телеинсценировка).

Рус тилида: 12.30 — **Улик малика ва етти баходир ҳақида эртак** (мультфильм), 12.55 — Б. Полевой. **Чин инсон қиссаси** (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 18.00 — **Ўқитувчим** (мактаб ўқувчиларя учун), 18.35 — **Ҳамза Умаров** (киноартист), 19.20 — **Диний хурофотлар ҳақида**, 19.40 — **Хореография ҳақида**, 20.10 — **Телевизион янгиликлар**.

20.30 — **Эшиттиришлар программаси**.

Рус тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар**, 20.55 — **Хирург портрети** (илмий-оммабоп фильм), 21.20 — **Бутуниттифоқ оқсоқоли** (ҳужжатли фильм), 22.00 — **Севадими-йўқми?** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Степа тоғани ким танимайди?** (болалар учун), 18.35 — **Тошкент янгиликлари**, 18.45 — **Учинчиси ортиқча** (телепостановка), 19.15 — **Очиқ дунё** (ҳужжатли фильм), 19.35 — **Ёзувчилар гурунги** (Ленинград телестудияси эшиттиришы).

Ўзбек тилида: 20.35 — **Тинч кунлар қаҳрамонлари** (махсус приставка орқали икки тилда), 20.55 — **Тошкент янгиликлари**, 21.05 — **Унутилмас баҳор** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/I да кундуз **Севилья сартароши**, кечқурун. **Оққуш кўли**, 6/I да кундуз **Куба қизи**, кечқурун **Жизель**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/I да кундуз ва кечқурун **Биринчи муҳаббат**, 6/I да кундуз **Хатарли йўл**, кечқурун **Сарвқомат дилбарим**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/I да кечқурун **Алпомиш**, 6/I да кундуз **Ёшликда берган, кўнгил**, кечқурун янги спектакль **Малиновкада тўй**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Юрий Дуров ва Литва цирки «Вильнюс» артистлари** иштирокида **«Цирк да арча»**. Томошалар кундуз соат 12, 3 ва кеч 8 да бошланади.

КИНО

Денгиз мушуги — «ВАТАН», «ИСКРА», «УЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК», «ДРУЖБА» (1-залда), «ЧАПКА» (кундуз ва кечқурун), «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11, кундуз 1, 5, кеч 7 ва 9 да).

Чапаев (эрталаб соат 10 да), **Қумтепадаги уй** (кундуз ва кечқурун) — «МИР».

Хуш келибсиз — СОБИР РАҲИМОВ номли (эрталаб соат 11 да).

Генерал ва дасторгул — СОБИР РАҲИМОВ номли, «ДРУЖБА» (2-залда), «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 4 дан).

Бекор кетган вақт ҳақида эртак — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10-20 минутда), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 4 дача).

Ер фарзанди (Ўзбек тилида кундуз соат 3 яримда), **Давлат жиноятчиси** (кундуз ва кечқурун) — НАВОИЙ номли.

Шчорс — «УЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10 да).

«Трясогузка» армияси — «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 3 да).

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Турар жойлари ўзгарган кишилар 1965 йилда

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРНИ

ЯНГИ АДРЕС БЎЙИЧА ОЛИШ УЧУН

Тошкент шаҳрида эски турар жойларидаги алоқа бўлимларига мурожаат қиладилар.

«СОЮЗПЕЧАТЬ» ШАҲАР БЎЛИМИ.

«УРАЛЭЛЕКТРОСЕТЬСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИЛГАН 44-АВТОКОЛОННАСИ

102 кубометр миқдорида, прейскурант нархида

ҚУРИЛИШ ЕҒОЧИ

СОТАДИ

Мурожаат учун адрес: Свердловск шаҳар-24, Жанубий подстанция.

СВЕРДЛОВ КЕРАМИКА БУЮМЛАРИ ЗАВОДИ

ҚУЙИДАГИ БУЮМЛАРНИ

ҳар қанча миқдорида (лекин камида бир вагон нормасида)

СОТАДИ

туалет кранли

ЧИННИ УМИВАЛЬНИКЛАР,

«Компант» унитазлари ва бошқа хил унитазлар.

ТОШКЕНТ ПОЧТАМТИГА

шаҳарнинг алоқа бўлимлари учун

ПОЧТАЛЬОНЛАР КЕРАК

Крилов кўчаси, 4-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ

«ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 31226, Пропаганда — 27221. Саноа, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 31226. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347, Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553, Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС — 64543. № В 2. Р. 00503.